



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 35 (9781). • 1990 йил 17 февраль • Баҳоси 5 тийин.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

МУЛК ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

МОСКВА, 15 февраль. (ТАСС). Парламентимиз учинчи сессиясининг навбатдаги мажлиси бутун эр-талаб СССРда мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан бошланди. Мажлиси А. И. Лукьянов раислик қилди.

да қонун лойиҳасини ўтказиш тарихини, унинг умум-халқ муҳокамаси натижаларини эслатди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг бориши, де-ди у, депутатлар мулк тўғрисидаги қонунни қандай қабул қилишларига кўп жи-ҳатдан боғлиқ бўлади. Док-ладчи ҳатто шундай фикрни ҳам айтди: совет ҳокимияти ташкил топганидан бери ўт-ган 72 йил ичида бу дара-жада чуқур ва туб ўзгариш-лар бўлмаган эди. Қонун лойиҳасининг моҳияти шунда-ки, у мулкчиликнинг турли-туман шакллари тўғрисида-ги принципиал қондага асос-ланган.

Шундан кейин депутатлар

СССР Олий Советининг қо-нунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раисининг ўрин-босари Ю. Х. Калмиқовнинг ахборотини тингладилар. У қонун лойиҳаси комитетлар ва комиссияларда муҳокама қилинганлигини ҳисобга олиб, уни таърифлаб берди. Ю. Х. Калмиқов СССР Олий Совети биринчи муҳокамада маъқуллаган лойиҳа қону-нга асос қилиб олинганини қайд этди. Айни вақтда де-путатлар қонун лойиҳасининг учта бошқа муқобил вариантлари билан, шунинг-дек «муаллифлик лойиҳала-ри» деб аталган 30 та ло-йиҳа билан ҳам муфассал танишдилар, уларнинг бар-

часида таклиф этилган оқи-лона фикрлардан фойдалан-дилар. Меҳнатқашлардан қонун чиқарувчилар номига узлуқсиз келиб турган так-лифлар ҳам табиийки, эъти-борга олинди.

Шундан сўнг СССР Олий Советининг иқтисодий исло-ҳот масалалари комитети номидан сўзга чиққан А. Н. Бойко қонун лойиҳасининг концепцияси тузилишига тўхтади. Унинг қабул қили-ниши муҳимлигини таъкид-лади.

Л. И. Абалкин депутат-ларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Сессия кун тартибига ҳо-зирга 21 та долзарб масала киритилган. Лекин бу кун тартибига яна бошқа маса-лалар киритилмади, деган маънони билдирмади. Сес-сия чоғида кўшимчалар ва аниқликлар киритилиши мумкин.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комите-тида журналистлар билан уч-рашув аянага айланди. 15 февраль кuni оммавий-ахбо-рот воситалари вакиллари билан учрашувга Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митетининг секретарлари Ж. Ҳ. Ҳамидов ва Р. А. По-пов келдилар. Мамлакатимиз ва республикамиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий турмуши-га доир кўплаб масалалар ўртага қўйилди. Булар энг аввало КПСС Марказий Ко-митети февраль Пленуми-нинг ажлулари, КПСС XXVIII съездига партия Марказий Комитетининг Ҳа-ракат дастури лойиҳасининг қабул қилиниши, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутат-лари сайлов масалаларидан иборат. Республиканинг ҳужалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш усулига ўтиш муаммолари ошқора суҳбатда муҳим ўринни эгаллади, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланти-ришнинг истиқболли йўла-ри, давлат программасининг «иш қилиш таъминлашдек» жуда муҳим масаласи амал-га оширилиши тўғрисида гап борди.

Учрашувда ҳозирги жу-раккаб вазиятда, қайта қу-риш жараёналарининг бури-лиш даврида оммавий-ахбо-рот воситалари жамоатчили-ки фирмини шакллантиришда фаол иштирок этиши, барча тараққийпарвар кучларнинг жиғлашувида бирлашти-рувчилик ролини ўйнаши, партия сиёсати ва мафкура-сини, ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини амалга оширувчи муҳим восита бў-лиши керак, деб таъкидлан-ди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ БИНО МУБОРАК

ОҲАНГАРОН ноҳиясида-ги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозидagi 48-мактаб ўқу-чиларининг қувончлари чек-сиз. Яқинда улар эски би-нони тарк этиб, янгисига кў-чиб ўтдилар.

Т. Херай бошлиқ меҳнат ишлаб чиқариш кооперативи бунёдкорлари томонидан барпо этилган ушбу мактаб 1147 ўқувчига мўлжаллан-ган бўлиб, компьютер хона-ларига эга.

М. МУЗАФФАРОВА.

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙМИ?

УСТАХОНАДА

ПИСКЕНТ ноҳиясининг «Партия XXVI съезди» сов-хозида 1990 йилги ҳосилга пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Совхознинг Абдумўмин Тур-диев бошлиқ устахонаси аъзолари шу кунларда бар-ча механизмларни соғлаш ишларини намунали олиб боришмоқда. Жорий йили ҳў-жаликда 36 та ҳайдов, 57 та чопиқ, 35 комплект боро-на, 67 та сепкалар ремонт-дан чиқарилади.

Бош устахонада жами 46 киши меҳнат қилади. Хусеин Утевов, Аҳмад Давлатов, Иван Ковальский сингари ремонтчи-слесарлар кунлик иш топшириқларини 110—115 фозга адо этиб ўз ҳам-касбларига намуна бўлиш-моқда. Ҳозирга бу ерда 35 та сепка, 35 комплекс боро-на ва бошқа ускуналар мавсумга тайёрлаб қўйилди.

У. МУҲАМЕДОВ.


СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

СССР Министрлар Совети 1990 йил 14 февраль кuni «Ме-кеевуголь» бирлашмасининг Поченков номи шохтисида юз берган авария натижасида ҳалок бўлган кишиларнинг оила-ларига, қариндош-уруғларига ва яқинларига чуқур таъзия бил-диради.

Ҳуқумат комиссиясига ва тегишли давлат идораларига ава-рия оқибатларини тугатиш, жабрланганларга ҳамда ҳалок бўл-ганларнинг оилаларига ёрдам бериш учун зарур чораларни қўриш топширилди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

МУНОСИБЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК



18 ФЕВРАЛЬ-
ЎЗБЕКИСТОН ССР
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИ ВА
МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ
ДЕПУТАТЛИГИГА
САЙЛОВЛАР
КУНИ

МАНА, қарийб тўрт ой давом этган сайлов тай-ёргарлиги сўнгги, ҳал қилувчи маррага етди. ЭРТА-ГА — 18 ФЕВРАЛЬ КУНИ сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар ихтиёрий равишда сайлов участ-каларига келадилар ва ўзлари ишонган номзод учун овоз берадилар. Шу билан тўрт ойлик қизғин баҳсларга, мурасиз, аммо, холис мунозараларга, фикрлар тўқнашувига хотима ясалади, халқнинг Шўролардаги мухтор вакиллари маълум бўлади.

Бу галги сайловларга тайёргарлик жараёни қатор масалаларни ойдин-лаштирди. Чунончи, қайта қуриш шарофати билан бошланган демократия сайлов системасига ҳам аста-секин кириб бора бошлади, халқ «юқори»-дан кўрсатиладиган номзодларни рад этиб (ҳамма жойда ҳам эмас), ўзи муносиб деб билган кишиларгагина ишонч билдира бошлади. Номзодлар билан сайловолди учрашувларида аввалги лоқайлик йўқолди. Учрашувларда халқ ишончини қозона олмаган номзодларнинг етарли овоз ололмай қо-лишлари, табиийдир.

Хуллас, ҳокимиятнинг олий органи таркибида кимларнинг бўлиши маъ-қуллигини халқнинг ўзи белгилайди. Зеро, эртага сайлов қутиси ёнига кел-ган ҳар бир сайловчи ўз эътиқодига содиқ қолиб, фақат муносибларгагина овоз беради. Ҳақиқий демократик сайлов шундай бўлиши керак, албатта.

(Баъзи бир номзодлар ҳақидаги материаллар билан газе-танинг 4-, 5-саҳифаларида танишасиз).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПАРТИЯ XXVIII СЪЕЗДИГА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИХАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

СИЁСАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ, ИШНИ УНУТМАСЛИК КЕРАК

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлган февраль Пленуми, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига эълон қилинган ҳаракат дастури миллион-миллион совет кишиларининг эътиборини ўзига тортибди. Эртанга бизни нималар кутмоқда, жамиятимиз қандай бўлади? Афсуски, унчалик жўн бўлмаган, лекин ҳаётини муҳим масалалар кўп жиҳатдан узил-кесил ҳал этилганча йўқ.

Ҳозирги ижтимоий қайғиғисизлик ва ишончсизлик ўрнини нима эгаллаши мумкин, таъгликдан тез ва узил-кесил чиқишини йўли борми? УЗТАГ мухбирлари Л. Левин ва С. Фенотин КПСС Марказий Комитети Пленумининг қатнашчиси, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фойлбеков билан шу ҳақда суҳбатлашадилар.

— Адҳамбек Иброҳимович, биз мураккаб даврда яшаймиз. Миллатлараро муносабатлар кескинлашди, мамлакатимизнинг бир қанча минтақаларида турли хил норасмий ташкилотлар, халқ фронтлари ва ҳаракатлари кучга тўлмоқда. Бу ҳақда Марказий Комитет Пленумида батафсил талашиб олинди. Сиз Пленум ишнини қандай баҳолайсиз? Авал бошда режалаштирилган икки кун ягона бир фикрга келиш учун етмаганлигига нималар дея olasиз?

— Марказий Комитетнинг бўлиб ўтган Пленумини одатдаги анъанавий Пленумларга қиёслаб бўлмайди. Коммунистларнинг, совет халқи ақсарият кўпчилигининг унга қизиқиши ҳам туршунари. Пленум кун тартибига қўйилган масалалар ҳозир ҳар бир кишини тўққизлангизганлигини айтсам, муволаға бўлмас экан. Аслида бу масалаларнинг дўшчилиги ҳал қилинган. Ошкоралик муҳитининг ўзи, фикрларнинг хилма-хиллиги, муҳофазаларнинг ўткирлиги демократия талабларига тўла жавоб беради. Шундай қилиб, қайта кўришининг дастлабки босқичидаёқ илгари сурланган ниятлар ишбу аянжуман ишида тўла ўз аксини топди.

Менинг назаримда, энг муҳими, Марказий Комитет Пленуми партия одамлар

турмушини яхшилашни ўзининг асосий мақсади деб биланганлигини тасдиқлаганлигидадир. Ижтимоий адолатга риоя қилиш, одамларнинг турмуш ва меҳнат шартларини яхшилаш масалалари асосий вазифа қилиб қўйилди. Жамият тараққиёти пировард натижада худди шу нарса билан белгиланади.

СССР Конституциясининг олтинчи моддаси тўғрисида жиқдий ва муфассал гаплашиб олинди. Партия ҳеч қандай имтиёзга муҳтож эмас, у ўзининг жамиятдаги етакчилик роли учун турли жамоат ташкилотлари, истеъмолда эса, эҳтимол бошқа партиялар билан ҳам муносабалашади.

Бугун вазиятга ақл-идрок билан баҳо бериш муаммоларининг моҳиятига чуқур кириш керак. Ҳозирги босқичда КПССдан бўлак жамиятни таъгликдан чиқара оладиган бошқа куч йўқ. Чунки ҳозирча ҳеч ким мамлакатни ижтимоий-иқтисодий соғломлаштиришининг асосланган, ҳаётини стратегик режасини тақдим этгани йўқ.

— Пленумдаги, умуман бир қанча нутқларда феврал аянжумани ишнинг самараси пастлиги тўғрисида, жонга теккан савфатабозлик ҳақида гапирилди. Шу муносабат билан сиз нима дея olasиз?

— Мен бу тоифадаги нотқиларнинг безовталигини тушунишим мумкин. Мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соғломлаштириш масалалари ўз йўлида кўплаб мураккабликларга дуч келмоқда, қайта кўришга қарши кучлар тобора кўпроқ ўзларини кўрсатишмоқда. Келинг, аҳволга хушёрлик билан қарайлик, унга тўғри баҳо берайлик. Ҳеч бўлмаса ҳукуматнинг иқтисодий программасини олиб кўринг. У қабул қилинган СССР халқ депутатларининг иккинчи Съезди ҳаманинги эсида турибди. Ҳа, бу программа хусусида кўп танқидий фикрлар бўлган. Шундай бўлса ҳам бирор киши унга у билан беллаша оладиган муқобил ҳужжатни тақдим эта олмади. Кўр-кўрона танқид қилдиган пайтлар ўтиб кетди. Одамлар бўлаётган ўзгаришларни очиб кўришни, уни сезишни хоҳлашмоқда. Шу боисдан Иттифоқ ҳукуматининг ҳўналлик ҳисобидидаги омилларни яратиб режаларни қўйилган натижага беради. Бу ўзбекистон учун ҳам, унинг пойтахти учун ҳам гоёй муҳимдир. Одамлар эртанги уларни нималар куяётганини, нимага эга бўлишларини аниқ билишлари керак.

— Кутганларингиз қайси маънода оқланмади?

— Мен Пленум қандай шошма-шошарлик билан тайёрланганлигини сездим. Ана шу сезги мени ҳеч тарк этмади. Партиянинг ривожланиш истиқболлари етарли даражада аниқ белгиланмаган. Бу, шубҳасиз, аянжуман самарадорлигига таъсир қилди.

— Россия Компартиясини тузиш ҳақидаги тақлидга муносабатингиз қандай. Литва Компартиясида рўй берган ажралишга муносабатингиз-чи?

— Россия Компартияси-

нинг тузилиши — Россия коммунистларининг ишидир. Улар ўзларининг март-апрель ойида бўладиган партия конференцияларида узил-кесил қарор қабул қилдилар. Лекин менинг нўнтар назарим шундай: бундай қилиш керак эмас. Чунки бу нарса КПССнинг ажралишига олиб келиши, мамлакатимиз бир қанча минтақаларида шунсиз ҳам жиқдийлашган аҳволи янада кескинлаштириши мумкин. Шундан келиб чиқиб, мен нима сабабдан Литва Компартиясидаги ажралишни қоралаган Пленум қарори учун овоз берганлигимни тушуниш мумкин. Аслида, у ерда турди ҳаракат дастурига эга бўлган иккита партия пайдо бўлди.

— Сиз Тошкент коммунистларининг кўп миңг ишчилиги ва кўп миллилатли орднинг раҳбари ҳисобланасиз. Уз фаолиятингизда нима ни муҳим деб ҳисоблайсиз?

— Бу саволга бир хил жавоб бериш мушкул. Тошкент кўп жиҳатдан ноёб шаҳар саналади. Неча ўн йиллар мобайнида шаҳримизда юзта миллилат вакиллари илаб, елкама-елка меҳнат қилишмоқда. Улар ўртасидаги дўстлик, тўла ҳамжиҳатлик, ишонч ҳар доим шаҳримизнинг ўзига ҳос фазилиги бўлган. Шу боисдан бундай бирлиكنи сақлашни ўзимнинг асосий вазифаларимдан бири деб ҳисоблайман.

Партия ҳўжакурсинчиликка йўл қўйганлиги учун неча бор танқид қилинди. Энди аҳвол тубдан ўзгармоқда. Масалан, Тошкентни уни истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини олайлик. Биринчидан, бу режаларда сўнгги йилларда мамлакатимиздаги йирик марказларни ривожлантиришда юзага келган номунасобиликларни бартараф этиш назарда тутилади. Иккинчидан, эски

шаҳар қисмининг тарихан таркиб топан даҳаларига қайтадан жон бағишланади. Учунчидан, ушбу режа келаси беш йиллик бошланибдан бир йил аввал ишлаб чиқилганлиги жуда муҳим иш бўлади. Муайян резервлар вужудга келтирилиб, улардан иложи борица самарали фойдаланиш лозим. Материаллар ва ускуналарга шартномалар тузиш ҳам, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳам, харидорчи молларни кескин кўпайтиришга ўтиш ҳам ана шундай резервларга қиради. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, ана шу режалар амалга оширилса, одамларнинг турмуши яхшиланади, бозорларни моллар билан тўлдирши мумкин. Лекин бунинг битта муҳим шарт бор. Омманинг сиёсий фаолиги демократиянинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бироқ одамлар демократия билан қизиқиб кетиб, ўзларининг асосий ишларини унуттаётган жараёнлар ҳам қузатилмоқда. Иқтисодийни соғломлаштиришнинг ажойиб лойиҳаларини яратиш ва ишлаб чиқиш мумкин. Лекин бундай лойиҳалар одамларнинг фидокорона меҳнатисиз лойиҳаларга қозғола қолиб кетаверади.

— Мамлакатимизда партия билан Советларнинг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советларга сайлов яқинлашмоқда. Халқ номзодлари орасида коммунистлар ҳам кўп. Сиз уларга қандай истак билдирган бўлур эдингиз?

— Мен шаҳар Совети ҳақида гапирмоқчиман. Халқ депутатлар кўп муаммоларни ҳал қилишлари керак бўлади. Муҳими — улар ўз сайловчиларининг ташвишлари билан яшашлари, ана шу сайловчиларнинг меҳнат ва маъий шартларини яхшилаш устида ишлалари, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашлари керак. Улар камбағал оилаларни алоҳида назорат қилишлари лозим. Мен шаҳар партия комитетининг ҳамма ҳодимлари халқ танлаган депутатларга уларнинг қанча яхши ташаббусларини амалга оширишда ёрдам берадилар, деб ишонтиришим мумкин.

ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАСИН

ЭРКИН ФИКРЛАШУВ МАВЗУИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида Ҳаракат дастури лойиҳасига сиз қандай муносабат билдирасиз?

Мухбиримизнинг бу саволига Ленин ноҳия партия комитети ҳузурдаги «Еш коммунистлар мактаби» тинловчилари қўйидагича жавоб бердилар.

● Жамила БУРХОНОВА, Тошкент темирйўл транспорт инженерлари институтининг ўқитувчиси:

— Еш коммунистлар ўртасида демократик централизм принципи хусусида кўп баҳс бўларди. Лойиҳани ўқиб бу баҳсга ечим топгандай бўлди. Ҳаракат дастури лойиҳасида таъкидланганидек, демократик централизм принципини партияни чуқур демократиялаш нўнтар назаридан қайта идрок этиш, кўйи мансабдорнинг юқори мансабдорга босқичима-босқич бўйсунушидан иборат казарма интизомини бартараф этиш керак. Шунда ишга икжодий, ленинча ёндашув бўлади. Маълумки, сталинизм даврида демократик централизм принципи қасддан бузилди, казарма интизому ўрнатилган эди.

КПСС партияни нийҳатда чуқур демократиялаш тарафдори бўлиб чиқди. Бунинг учун фикрлар хилма-хиллигини, танқид эркинлигини КПСС Уставига гарантйялаб қўйиш керак. Шу билан бирга партия сафларининг демократик бирлигини таъминлаш ҳам лозим. Бу ҳўжат ба-

лан биринчи танишиб чиқишдаёқ уни тайёрлашда, ленинча принципга тўла амал қилинганлигига ишонч ҳисоб қилдик.

● Аҳмад ХўЖАЕВ, «Ташхотзор» га қарашли 32-магистининг директори:

— Очиғини айтсам, ҳозир харидорлар билан юзма-юз бўлишга беэиллаб қолганмиз. Улар пештахталар бўм-бўшлиги, турмушда зарур бўлган энг оддий нарсалар ҳам савдода йўқлигиндан шикоят қилишади. Бу санаот корхоналарининг айб билан бўлади. Лекин таъналарни биз эшитаяпмиз.

Ақсарият бирлашма ва корхоналар ўзларига берилган мустақилликдан ўз коллективлари манфаатларининг яна ўйлаб фойдалана бошлади. Улар қатта фойда олиш учун зўр бериб, қимматбаҳо буюмлар ишлаб чиқаришга киришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасида тўкис бозор ҳўжасини ташкил этиш учун истеъмол молларини кўпайтириш зарурлиги ўқтирилди. Партия соғлом асосда кооператив ҳаракатни ри-

вожлантиришга ҳар томонлама ёрдам бериши лозим. Ана шунда арзон истеъмол моллари сероб бўлади.

● Баҳодир МУРТАЗОЕВ, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бухгалтери:

— Ҳаракат дастури лойиҳасининг мен учун энг мақбул жойи хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шартларини яхшилашга доир фикрлар бўлди. Бу вазифа КПССнинг энг муҳим режалари қаторига қўйилганлиги айни муддаодир. Худди шу жойда ҳомилидорлик отпускани даври ва болага қараш учун бериладиган отпусқа муддатини узайтириш зарурлиги тўғри таъкидланган.

Ҳозир болага қараш учун тўланадиган нафақа 35 сўмин ташкил этади. Бугунги нарх-наво даражасида бу жуда кам эканлиги ҳаммага аён. Мамлакатимиз молиявий аҳволининг мураккаблигини жуда яхши биламиз. Ортиқча маблағлар йўқ. Лекин изланса имконият топиш мумкин. Шунини ҳисобга олиб, Ҳаракат дастури лойиҳасига болага қараш учун бериладиган отпусқа даврида оналарга тўланадиган ҳақни кўпайтириш учун ҳамма чоралар кўрилади, деб ёзиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

вожлантиришга ҳар томонлама ёрдам бериши лозим. Ана шунда арзон истеъмол моллари сероб бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида Ҳаракат дастурини диққат билан ўқиб чиқдим. Дастурнинг «Инос — партия сиёсатининг марказида» ботидаги болалар тўғрисидаги фикрларни ўқиб ўйланиб қолдим. Миллатимиз серфарзанд халқ. Болаларимиз, уларни тарбиялаётган биз оналар учун кўрсатилмадиган иккинчи эътибор ҳам бошимизни кўкка етказди. Жўмладан, шу йилнинг 1 июлидан боласи бир ярим ёшга тўлгунча онага иш жойидан ҳақ тўланадиган ва қўшимча яна бир ярим йил ҳақ тўланмайдиган отпусқа берилиши бунинг оққол далилидир. Энди дастурнинг ўша қисмидаги «болалар муассасалари куриш ва уларнинг иш сифатини яхшилаш, болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга маб-булар ажратишни кўпайтиришнинг чораларини сира кечкатирмай амалга ошириш...» жўмаларини ўқиб жуда кўновдим. Сўнг, ҳавотирландим: «бу ҳам қозғола қолиб кетадиган гаплар эмасмикин?» Чунки, эс-ҳўшимни та-

ниганимдан бери «Яхши нарсалар — болаларга!» деган шioriни эшитиб келаман, ҳақтда эса буни кўрмайман. Масалан, фарзандимни икки йил, ҳатто, уч йилдиз боғчага жойлай олмайман. Ноҳия халқ таълими бўлимида бир хил жавобни эшитаман: «Навбат бўйича», «Жой йўқ». Сабобини суриштирсам «Йилги боғчалар қурилмапти» дейишади.

Ярим метр мато билан тикиладиган, давлат нархи 1—3 сўм турадиган колготкаларни чайқовда икки баробар қимматга сотиб оламиз. Миллионлаб тонна пахта етиштирсак, тўқминачилик, тикув санаоти корхоналарни гуриллаб ишлаб турса-ю, арзиммаган иштонини қидириб юрсак. Менинг ягона истаганим ҳам, талабим ҳам шуки, дастурдаги чиройли сўзлар қозғола қолиб кетмас. Дастурдаги режалар амалга ошса партиянинг юзи ёруғ, халқнинг турмуш фаровонлиги юксалган бўларди.

Р. РАҲМАТУЛЛАЕВА, кўп болали она. Тошкент шаҳри.



САНОБАР ая ишдан қайтаркан, келини Робиянинг очик чеҳра билан қаршилаганини кўриб кўнгли ёришди. «Умридан барака топсин! Мен билан бир ҳовлида яшаётган иккала келиннинг ҳам тенги йўқ, ҳурматининг ҳам доим жойига қўйишадими», дея ҳовлидан ўтказди у.

— Умрларингиздан барака топинглар, болаларим,— деди у мамнулик билан. «Болаларим» сўзидан меҳри товланган келин жилмайиб қўяди...

Ҳа, орамизда келинлари билан ўз фарзандларидай тотув яшаётган бағри кенг қайноналар кўпчилигини ташкил этади. Ана шундайлардан бири Санобар ая Холтурраевадир.

Ишдан ҳорғин қайтган қайнонасининг оппоқ оқарган сочларига, маъносилик енга олмага юзларига қараркан, Робия геп бошлади:

— Энди ишлаган, онажон! Сақиз ўғил, беш келин, тўрт нафар қўёв ва бир этак невараларингиз бағрида бир кун у ўғлингизнинг, бир кун бу қизингизнинг азиз меҳмони бўлиб яшаш сизга ярашади. Шу хурсандчиликларга пенсия

пунлигиз етмаса, ўзимиз ёрдан берамиз, майлими?

Келиннинг куюнчақлик билан айтган бу сўзларидан қайнонанинг кўзларидан севинч ёшлари порлади. У ўзини қўлга олиб деди:

— Болам, ишлаганини айби йўқ. Пенсиядаман, деб оғирлигини сизларга солиб, бекор юришга ориятим чидамайди. Ҳали Наврўзбек, Шунқор, Лочиларни ўқитишим, уйли-жойли қилишим керак! Бу мен учун ҳам фарз, ҳам қарз. Тўғри, сизлар бир четда қараб турмайсизлар. Ҳарқалай ме-

нарсани ҳам пайсалга солсак,— норози бўлди Робия.

Бундай аччиқ-чуққ гап-сўзлардан воқиф бўлган Санобар ая йиллик ҳисоботдан кейин колхоз томондан берилган минг сўм пулни дарҳол ўғлига тутказди:

— Ол, болам, тортинма, биз ҳам эл қатори уйимизни газ билан иситайлик, ахир!...

Санобар аянинг турмуш ўртоғи Очил ака Холтурраевнинг (у ўқитувчи эди) вафот этганига сақиз йил бўлди. Шу йиллар девомида ая уч келин олиб, уч қизини турмушга чи-

да уйга бир қийқ олма-анор олиб келгандингиз. Шунда «Онаси, бизнинг уйимизда чақалоқнинг йиғисидан бошқа йиги бўлмасин, ол, истаганингни олиб келдим», дегандингиз-а, Сал ўтмасдан катта ўғлимиз Солижон туғилганди. Бугун қийқчага туғилган олма-анорларни ўғилларингиз олиб келмоқда. Уйимизда жажжиз чақалоқлар — невараларингиз йиғиси янграмоқда, эшитаянжисми?

Мен сиз айтгандай, келинларимни фарзандларимдан ардоқлайман. Қизларингиз-

ришларидан завқланади. Зотан, ўн етти нафар неваранинг бувики, беш келин, тўрт қўвнинг қайнонаси бўлиш осонмас.

Бултур Санобар аянинг анча соғлиги бўлмади. Қон босими ошиб, кўзлари хиралашди. Шифохонада узок даволанди. Лекин кўзлари ҳамон хираллигига қолди. Шунда Тошкентдаги шифохоналардан биринида унинг кўзини операция қилишди. Бундай пайтда ҳамма келинлари, қизлари ва қўвёлари, ўғиллари унинг ҳовлидан хабардор бўлиб, кўнглига далда беришди. Айниқса, катта келини Розанинг икки кўзи боғланган, кўнгли қоронғи пайтда ёнида ўтириб, кўзларингизга нур бўлайин, онажон деган ҳаётбахш сўзларини ҳеч қачон ёнидан чиқара олмайди. Бу сўзлар онанинг тезроқ соғайиб, оёққа туришига куч-қувват бўлди. Унинг кўзлари аввалгидай равшанлашиб, меҳрибон болалари беврига қайтди.

— Бахт-саодатнинг қалити — мол-дунё, бойлик эмас, балки аҳилликдир. Келинларим — фарзандларим, дейди ая. Улардан ҳеч қачон нолимайман. Сабаби, ишдан келсам: оёққим тайёр, қийилларим ювилган, уй ва ҳовли супурилган. Менга невараларимни боқиб, оёққатлашиб, дам олишдан бошқа иш қолмагандан кейин ишла қилардим, ўргулайлар, ишлайман-да! Меҳмондорчиликка боришга ҳам вақт топилмади. Ҳаётимдан мамнунман. Шу кунларга етказганига минг қатла шукур!

У. АСҚАРОВА.

АЁЛ САДОҚАТИ, МЕҲРИГА ТАЪЗИМ

нинг оналик улушим бошқача бўлади, болам.

Қайнонасининг гапларини тинглаб ўтириб Робиянинг ёдида бир воқеа тушди: улар яшаётган кўчага газ келганди. Ен кўшнлар 1000—1500 сўмдан пул тўллаб, уйларига табиий газ туширдилар. Робия бу ҳақда турмуш ўртоғи Шамсиддинга айтганди, у:

— Узингга маълум, топантутганим рўзгорга кетаяпти. Шунча пулни қаердан оламан? Бу йил бўлмаса янаги йил газлаштирармиз,— деди.

— Ҳамма қўшнларимиз қора печкага кўмир ёқибдан қутулсаю, биз бўлсак тайёр

қарди. У бева қолганда қирқ тўққиз ёшда эди. Ун икки нафар фарзандини ҳам ота, ҳам она ўрнида тарбиялаш Санобар аянинг зиммасига тушди... Ая келиннинг «Онажон, энди сиз ишлагани» деган сўзларидан алланечук бўлиб ҳовли тўридаги уйга оҳиста йўл олди. Марҳум эрининг девордаги сурати ёнига тиз чўкиб, беихтиёр у билан суҳбатлаша бошлади:

— Мама, орзуларингиз рўбига чиқмоқда, дедаси. Бугун мен билан сиз қўша-қўша келинларнинг, қўвёларнинг қайнона-қайнонасимиз. Эсингиздами, қишининг қаттиқ чилласи-

нинг ҳаммаси уйли-жойли. Улар келин бўлиб тушган жойларида тиш-тотув яшаб, уяли-жували бўлишяпти. Келин ва қўвёлар ўртасида ҳаммаша меҳр-оқибат тусти. Бундан хотирингиз жам бўлсин. Бироқ эрта келган ажалнинг қора соясидан доғдаман, холос...

Санобар Холтурраева Оққўрғон ноҳиясидаги Вотиңцев номли колхозда яшайди. У пенсияда бўлишига қарамай, ҳар кунни тонг саҳарда уйғониб ишга отланади. Ая колхоздаги 1-болалар боғчасида ошпаз бўлиб ишлайди. Ишдан қайтган неваралари билан овора бўлади. Уларнинг қулдираб гапи-

асаблари таранглашиди ва ортига қаради. Қаради-ю, кўзлариди газаб ўчқунлари бирдан ўчди. Чунки Дилдора унга қучоқ очиб қулиб турарди.

— Кел, сингилжон, қўй ўша майда-чуйда гапни. Сен билан бугун яраш оши қилмоқчиман. Мен ғуноқдорман. Бўлдимми, кечирдингми! Юр, энди ўртоқларинг олдида юзингдан битта ўлиб қўйяй. Айтаёй юрарсан,— дея Нарғизни қучоқлаб олди.

Неча кундан буён дили хира бўлиб юрган Нарғиз шовиб қолди. Ахир ўзидан 4—5 ёш катта, ундан кўра тузуқ маш оладиган, ишхонасида ҳаммага сўзини ўтказадиган Дилдора опасининг ҳозирги ҳолатини ҳеч қутмаган эди. Нега? У ҳам ўзини енгил ҳис қилди-да, қучоғини очди. Иккаласи чин дилдан самимий қулиб юборишди ва бирнеча кундан буён орада эзиллаб турган совуқчилик кетди-қолди келмас жойларга. Ҳазин-қузул қилишиб тушликка «яраш оши» олиб келишди ақин ошхонадан ва дугоналар билан суҳбат қилиб кетди. Ҳамма баробарига кеңгача хурсанд юришди ўша кун...

Табиат кўнида асабларига дам берган қиши ўзининг бирдаминга сезмасдан атрофчиларининг ҳам қайриятига таъсирини ўтказиши табиий. Қолаверса, одамда бир аjoyиб ҳолат бўлади, ўшани аввалашимиз керак. Кечирувчанлик, оқ кўнглилик ва самимийлик оҳанрабодай ўзига мафтун этади.

Ёмон билан юз йил даврон сургандан, Яхши билан бир дам суҳбат яхшидур... деган ҳикматили сўзларни ёдида сақлаган одам ҳеч қачон ютқизмаган. Ешлар қайси даврада камол топаётганини ҳам жуде муҳим. Барча шароитдаги ўсаётган қизил гул билан қатқалоқда томир отган қизил гул бир-биридан қанча фарқланса, одамлар ҳам шундай. Яхшилар билан юрган одам камол топиб кетаверганидек, пасткашлар даврасидаги яхши одам ҳам бир кунги ўшалар қилган пелидикдан чўчимақ қолади.

Баҳор ўқишни тутатиб ишга келганда одам кўзига ҳаммаша ёқимтой кўринар эди. Бахтсизлигини қарангки, у яхшилар орасига тушмаган эди. Тушлик вақтида ишхонанинг ичидан қулфаниб у таниммаган кишилар билан битта курси атрофида ўтириб оққатланаётган ҳаммасларига ҳайрон боқарди. Бир-икки мартаба Баҳор кетиб қолди. Бу ҳол қолганларга ёқмади. Кунки кеча унга Сарви опаси шундай деди:

— Ҳей қиз, кемага тушганининг жонинг бир. Биз билан ишлайсанми, биз билан борсан, биз билан ҳисоблашсан. Сен кимсан ўзи. Сурштирдим, ҳеч қаерда катта ишда ишлайдиган одамнинг йўқ экан. Намунча ўзингни катта олмасан. Биз би-

лан ўтирадиган ва бизни йўқлаб келадиганлар сен ўйлагандақалар эмас. Бирпас суҳбатлашиб, тушлик қилиб кетадилар. Харажати эса улар кўтаришади. Билдингми, 120 сўм маш билан қарвга ҳам борардинг кеккайиб. Тушундингми?

Баҳор индамади. Сарви опаси чиқиб кетди хонасига. Баҳор эса қотиб қолди. Булар билан келишолмаслигини биларди, бироқ бугунгидек яқаланиб қолшини ўйламаганди. Навилож, қўй ўтмай ишдан бўшаш учун ариза берди ҳеч кимга чурқ этмасдан. У нолоқ қадам босмаганига, нолоқ дастурхондан тамадди емаганига, катта кишилар билан ҳиринглашиб ўтирмаганига хурсанд эди. Ҳалол ва одобли бўлиб ўсган бу қизга бу ер нолоқлик қиринди. У қай эшикка иш сўраб боради ўзи ҳам билмасди...

Табиат кўнига шошилайлик, асабларинизга ором бериб: Яхшилар қаторидан жой сўрайлик ҳали ёмонлар рўйхатига тушмай туриб. Шарқираб оқаятган ариқ буйлариди ялтиз бир қарашда кўзингизни олмайди, бироқ унинг қайфиятинга таъсир этиб чеҳрангизга табассум берувчи қудрати... тоза, ўткир ва ёқилли исиди эмасми.

Жимитдайгина қушча бир қарашда кўзга ташланмагани билан нақ-нақ уриб сайраши, жарангдор овози билангина булбул номини кўнларга кўтариб учиб юришига қараб ҳам кўп жумбоқларга жавоб топса бўлади.

Райҳон ёқилли исиди борлиги учун ҳовлилар тўридан жой олади, чирмовикининг карнайгули нафисгина бўлса-да, қаерда кўрсак идизи билан сугуртиб ташлаймиз. Исирик-оддий ўт. Унинг ўзига хос хосиятларини билганимиз учун келинчекларнинг уйига, боламизнинг бешингига осиб қўямиз. Унинг оёқ остинда ётганига ҳеч қўзимиз тушмаган.

Табиат кўнидаги ўт-ўланлар турфалигини бир-бирдан кўрган заҳотниқ ажратиб оламиз. Одамларчи, ундай эмас. Кимнинг қандайлигини у билан мулоқотда бўлганлардан, сўзининг маъни ва босган қадамларидан биламиз.

Ҳар қанча севмасек ҳам ўтлар ичиде сассиқ алаф ҳам яшаб келаятганидай, одамлар суймасе ҳам ўша сассиқ алафдай бадбўй, ўнта гапидан битта маъно чиқмай-диганлар ҳам яшапति. Навилож. Табиат кўнини беэаб турган сокин қўлни, қирғоқларга тўш уриб оқаятган дарёларини, лим-лим асалга тўлиб турган боғларини қадрига етганимиздек, одамлар орасидаги оқибатини, меҳрини ва дўстлигини ҳам улуғлаганга не етсин!..

Анора ХУДОЙҚУЛОВА,
муаллима.

•Инсон ва ахлоқ

ГУЛ ВА АЛАФ

ЭРТА кўламда энди гулга кирган боғларни, саратонда пишиб етилаётган ўрикзорларни ва бағрига минг бир тилсимотни яшириб ҳамон кўнрақ кериб турган тоғ бағрини, сокин ва тиниб оқаятган сўлим сой буйларини кезганимизда орозчиб кетаман. Бор шууримни шодликка бошлаётган табиятдан рози бўламан. Сада рай-хоннинг бир дона шоҳи таратган муаттар-ҳида бергулик — арзигулик нима бор аслида.

Ойдан кечаларда шарқираб, ўйноқлаб оқаятган ариқ лабида ҳаёл суришининг гаши ўзгача. Ана шундай дамларда оламнинг кенглигига, ҳаётда ёмонлардан кўра яхшилар ҳар қалай кўп эканлигига ва яшаш биз ўйлаганча мушкул эмаслигига ишонингиз келади. Қўшни маҳалладан таралатган ёр-ёр садосига жўр бўлаётган сўр-найнинг нолоқор саъига интиқлик билан кўлоқ тутасиз. Шундай сўлим ёз оқшомида умид билан бир естиққа бош қўяётганларга пинҳона бахт тилайсиз.

Жимир-жимир қилиб қўш нурида товланиб кўзни олаётган тиниқ қўлга боқиб мафтун бўласиз. Нариги қиргоғи зўрга кўзга қалиниб турган қўлда чўмилар экансиз, ўзингизнинг миттигина эканлигингизга ҳам дафъатан ишонасиз. Уша жимитдай жонингизда оромли дамлардан кўра беором кечаларингиз кўп эканлигига илк бор афсусланиб кетасиз. Сап-сарик тоза қумли қирғоқда бир зум нафас ростлагани ўлтириб эса, энди ҳеч кимга озор бермасликка, ҳаммага яхшилик қилишга, майда-чуйда ташвишлардан узокроқ юришга ва омадсиз кўнларингиздаги ноўрин иштироблардан холи бўлишга қасам ичасиз кўнлингизда.

Етоғингизга мўралаб хонагизингизга эмас, кўнлингизни ҳам ёритиб турган дераза ортидаги тўлиқ ой нурига узок тикилиб ётган ўринингизда беихтиёр бугун кимга қувонч, кимгадир ранг берган табиатингиздаги хатоларингизни бир сарҳисоб қилиб оласиз. Инсон табиатининг энг суяоқли фарзанди булатуриб ўзи билиб ёки билмай атроф-муҳитининг ўзига яқин қирраларига қўполлик қилиб қўяди. Кўпична эса бу ҳақда жиддий ўйлаб ҳам кўргиси келмайди. Бир кун табиат кўнида бўлган одам кўнлидаги бор гироз-қудуратдан воз кечади. Кимдандир норози бўлиб юрган дамларидан афсус кечади.

Кун билан дугоналари қуршовида тоғ сайлида дам олган Дилдора ўзини енгил сезди. Рухиятидаги кўтаринкиликдан қайфи чоғ юрди ишхонасида. Дафъатан ўтган кун сел нарсасга дилини ранжитган ҳаммасиб ёшгина ходима Нарғизни қўриб қолди ҳовлида. Нарғиз уни кўрмаганликка олиб йўлини терс бураётуви, Дилдора «ики» этиб қулиб юборди. Нарғизнинг

АСФАЛЬТ ҚИЛИШ ДЕПУТАТНИНГ ИШИМИ?

Ўзбекистон ССР халқ депутатининг вазифаси нимадан иборат бўлмоғи керак? Шу мавзуда 113-Келес сайлов мавзесидан жумҳуриятимиз халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган Тошкент ноҳияси Навоий номи жамоа ҳужалиги бригадасининг бошлиғи Баҳодир Сайдазимов билан суҳбатлашдик. Номзод мени меҳнатда илгор бўлгани учун эмас, балки сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича билимдон, ўз фикрини катта йиғишларда ҳам дадил айта олиши билан қизиқтирдим.

— Маълумки, сайланажак 500 нафар Ўзбекистон ССР халқ депутати бир вақтнинг ўзига Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг аъзолари ҳам ҳисобланади ва жумҳуриятимизни бошқаришлари керак, — деди номзод. — Олий Кенгаш аъзоларининг асосий вазифаси сессияларда фақатгина овоз бериш ёки қарасакбозлик қилиш эмас, балки жумҳуриятимиз келажagini белгиловчи муҳим қонун ва ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишидир. Ҳозирги кўпгина қонун ва қарорлар маҳаллий шароитларга ўхшамайдими, тўғри келмайдими. Жумладан, амалдаги қонунга мувофиқ янги тартибдаги уй-жой қуришга ер ажратиб берилиши учун жон бошига яшаш майдонини квадрат метрдан кам бўлиши керак. Ахир бу давлат кватирасида туриб, давлатдан қўшимча кватирани олиш учун тўри келадиган қонун-қўриқ. Бизда тор бир ҳовлида 3—4 тадан оила яшайдиган хонадонлар озми? Янги тартибдаги уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилишида жон бошига тўри келадиган яшаш орасининг саҳни эмас, ҳар бир оилага тўри келадиган ҳовлининг умумий майдонини ҳисобга олиш керак. Айтилик, майдони ўн сотихлик ҳовлида уч оила яшайдиган бўлса, икки оилага янги уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилиши зарур, деб ўйлайман. Шунга ўхшаш масалалар Олий Кенгашда қўрилиб, ҳал қилини-

риди. Айниқса, ёшлар ўртасида спиртли ичимликларнинг истеъмоли қилиниши, ҳаттоки, гайдандликнинг тобора авж олиши кўччиликни ташвишга солмоқда. Чунки, булар ёшларнинг маънавий қаттиқлашувига, тарбиянинг бузилишига, улар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келади. Бунинг устига мактабларда билим олишга бўлган интилишнинг сусайиши ҳам элтиш учун бутун чораларни кўрмоқ керак. Мактабларда ҳам ҳар бир синфда 30—40 тадан ўқувчи ўқитилапти. Синфларда кўпи билан 20—25 ўқувчи ўқийдиган бўлиши керак.

— Очигини айтганда, сайловчиларда: «Оддий бригадир Олий Кенгашда нима иш қилиб беради?» деган савол тугилиши табиий...

— Галингиз тўғри, Авваллари фалон фонз колхозчи, фалон фонз ишчи депутат қилиб сайлансин, деган юрениш кўрсатмаси бўлар эди. Ҳозирги сайловда бир нечта номзод бўлгани учун юренишнинг амри камроқ ўтади. Халқ ўзи ишонган номзодга овоз беради. Ўзим ҳақида айтадиган бўлсам, аввалом бор, мен сиёсат ва иқтисод соҳаларига қизиқман. Дунёда, мамлакатимизда бўлаётган янгиликлар ва ўзгаришлардан доим воқиф бўлиб тураман. Атрофимиздаги муаммоларни ҳал этиш йўллари кўп ўйлайман. Агар депутатликка сайланганим бўлсам, илгор фикри Олий Совет аъзолари билан тездорқ танишиб, тил топишига ва ҳамкорликда сессияларда жумҳуриятимиз келажagini белгиловчи муҳим, тақдирларни қўтариб чиқишга ҳаракат қиламан.

Ақбар БАҲРОМОВ.



Суратда: комсомолдан кўрсатилган оққўрғонлик вилоят халқ депутатлигига номзодлар Музаффар Ғасоров, Дилфуза Пармонова, Шоҳида Ғойиповаларни кўриб туриб Суратчи А. Зўфаров.

— Ўзбек аёлининг, қишлоқда яшовчи аёл машаққатли меҳнатчи, о мени ҳақида кўп га аълиди. Бироқ яхшили бурлиши сезилмапти. чи аёл тўққиз ой эр кенгча давада бўлад келиб, кўп ҳолларда ёқиб ном ёпади, қоза тади. Захарланган оғир шароит аёлларни чинмай ўтин қилиб кў

Ҳўш, нажот туйнуги дими? Фақат кейинги та раҳбарларимиз ти газак олиб кетган му нинг тилга олинаётга умид тугдиряпти. Кас олиш — журъат. Ле даволлаш учун бу кам ши ҳаммага маълум. Дан депутат ўз халқни шаодати учун астойд ишчи керак. Сайлов турим марказида энг аввало аёл, тенг наларим ўй ва таи турбиди.

Дилфуза ПАРМОН мид Олжоник ном аъзоси, ўрта ма 1966 йилда туғилган.

— Суоқли шоиримизни «бу бир ўлк эҳтирос билан кўйли ҳаммамиз биламиз. сусми, ана шу жаҳ ҳисобланган юртим

РЕДАКЦИЯнинг сай ман таниш аёлларнинг саларини қ лар. Биз ҳа бускор, жа


ло бўёқ, миҳ каби арзимас нарсалар учун юзларини саргайтириб комбинатимизга келадилар. Аслида ўқитувчи бундай ишлар билан шугулланмаслиги керак. Бу ахволда мактаб илоҳотини амалга ошириш учун неча ўн йиллар ҳам етмайдиган кўринади...

Янгида комбинат ишчи-хизматчилари Шўхратни меҳнат коллективни кенгаши раиси этиб сайладилар. Комбинатда бу кенгаш ҳал этадиган муаммолар жуда кўп. Бундай ўйлаб қаралса, уларнинг ҳаммаси ҳам долларбодир. Тўғри, Шўхрат жамоат топшириқларини астойдил бажаришга одатланган. Эндиликда эса турли меҳнат низолари, комбинат ҳаётига оид кўпша масалаларни нафақат билимдонлик билан, балки адолат билан ҳам ҳал этмоқ керак. Шўхрат ўз зиммасидаги бурч масъулиятини чуқур ҳис этгани ҳолда ўзи бош бўлган кенгаш аъзоларини ҳам фалолликка даъват этмоқда.

— Илгари комбинатимиз 5—6 миллион сўм соф даромад келтиради, — дейди Шўхрат. — Ленин олинган даромадининг асосий қисми давлат ҳисобига ўтади. Масалан, 1989 йилда комбинатимиз ихтиёрида 834 миң сўм қолдириди. Ахир, катта комбинат учун бу маблағ ҳеч нарса эмас-да. Янгида комбинатимиз ишга тушганининг 25 йиллигини нишонладик. Юбилейлар-ку яхши нарса, лекин энди ҳамма нарсани очиб-ойдин, тўғри-сини айтишга ўрганишимиз керак. Корхонамиз дастаҳларни шунча йил ичиди таъмоман эскириб бўлди. Барча цехларда уларни навбат-навбат алмаштириш зарур. Бунинг учун эса маблағ керак. Агар корхонамизда даромадининг ҳеч бўлмаганда 30—35 фоизи шу мақсадлар учун ўзимизда қолдирилганида эди, жуда кўп ишларни амалга оширган бўлур эдик. Бундан ташқари комбинатимиз шаҳарда кўзга кўринган коллективлардан. Ҳарқалай, шаҳар ободончилиги учун ҳар қанча ишлар қилсақ ярашади.

Ҳа, корхона коллективи Шўхрат Қурбоновни 70-Оҳангарон сайлов мавзесидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб беорга кўрсатишмаганига бу гаплардан сўнг амин бўласиз. Шўхратнинг фикр доираси кенг, гаплари дадил, дунёқарашини баланд. Оддий ишчилик тўғрисида одамлар назарига тушган бундай кишилар депутатликка сайланса, эл ишончини оқлаш учун виждони олдига ўзини ҳаминша бўрчи ҳисоблайди, шунга яраша фаолият кўрсатади.

Нуралӣ АБДУРАСУЛОВ.



18 ФЕВРАЛЬ -
ЎЗБЕКИСТОН ССР
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИ ВА
МАХАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ
ДЕПУТАТЛИГИГА
САЙЛОВЛАР
КУНИ

ОХАНГАРОНДАГИ «Стройпластмасс» комбинати партия бюроси секретари В. Бакулев мудоаомни билгач, ишонч билан деди: — Шўхрат жуда кўп муаммолар тўғрисида ўйлаб юрибди. Буни мен унинг номзод этиб кўрсатилгани учунгина айтаётганим йўқ. Аслида ҳам у қайта қуриш ишига астойдил бел болаганлардан. Унинг ёмон кўргани — чала қилинган иш. Лоқайдлар, ҳайбаракаллар билан ва шунга ўхшаш тоифагаилар билан асло келиша олмайд. Ҳаммамизга таниш бу гапларни шунчалик айтаётганим йўқ. Шўхрат аслида ҳам шунча. Балки, суҳбатлашганимиздан сўнг ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз...

Шўхратни ремонт-механика цехининг улкан корпусида иш устида учратдик. Елкадор, жусасидан куч ёқиб турган бу йиғининг чехрасида кишини ўзинга тортувчи алдангандай сеҳри бор эди. Табиатан бошиқингидан бўлса керак, саволларимизни охиригача диққат билан тинглар, сўнг шовилмасдан ўз қарашларини бирма-бир баён этарди. Галингиз рост, унинг ўз ҳамсуҳбатини тинглай олиш одоби, қийинроқ ҳолатларда ҳам ўзини йўқотмай, мулоҳаза юритиши менга, айниқса, ёқди. Бу бўлгуси депутат учун энг зарур хислатлардан бири.

— Муаммолар оз дейсизми, — у саволимга савол билан мурожаат қилди. — Аслида оҳангаронлик бўлиш ҳам осон эмас. Шаҳар аҳолиси ўттиз мингга етибдики, ҳамон маданият саройимиз йўқ. Шунга яраша дурустроқ кинотеатримиз бўлса ҳам майли эди. Алмосқондан қолган «Восход» кинотеатрини кинотеатр дейишга ҳам тил бормаиди. Ақалли бирон спорт иншооти, стадион йўқлиги яна таажубингизни оширади. Билмадим, шунча вақт қаёққа қараганмиз. Мактабларимиз-чи? Масалан, бизнинг оталигимиздаги 5-мактабни олайлик: бечора ўқитувчилар ремонт-пайтларда, айтайлик, икки уч ки-

ТЕНГДОШЛАРИМИЗ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ

Бошқа жамоат ташкилотлари аъзолари қатори комсомоллар ҳам ўз вакилларини вилоят Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганлар. Улар орасида Оққўрғон ноҳиясидан тўрт нафар ВЛКСМ аъзоси бор. Куним кеча номзодлар редакцияда бўлиб, ўларнинг ҳаракат дастурлари билан ўртоқлашдилар.

Музаффар ҒАСОРОВ: 27-мактаб тарих ўқитувчиси, олий маълумотли, 1960 йилда туғилган. — Комсомолдан аҳволнинг мушкуллигини мактабимиздаги кичкинанига бошлангич ташкилотдан ҳам билса бўлади. У амалда бирор масалани ҳал қила олмапти. Бошлангич

ташкilotимиз аъзолари мени яна икки йил комсомолда қолтишимни илтимос қилишганда бунга розилик бердим. Чунки уюшмамиз йиғит-қизлар манфаатини қатъий ҳимоя қила оладиган ташкилотга айланishiга ишонаман. Тўғриси айтганда, биз ВЛКСМда қайта қуришни да-

дил амалга ошира олмаямиз. СССР халқ депутатлигига сайлов бунинг исботи бўлди. Комсомол ўз сафига ўнлаб миллион ишларни уюштиргани ҳолда мамлакат олий ҳокимиятидаги вакиллари бармоқ билан санарли даражада.

Бу камчиликлардан маълум хулосалар чиқариб олинганлиги жумҳурият халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига комсомолдан анчагина номзодлар кўрсатилганда ҳам биланаяпти.

Вилоят Советига номзод сифатидаги дастуримга келсам, унда йиғит-қизларнинг озу — ва ташвишлари ўз ифодасини топган. Маълумки, қишлоқда мактаб, боғча, кесалқонлар кам. Уларни қуриш масаласи-

ни ҳужжатларда қайд этавериш билан бирор нарсага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ноҳияда сазавот, мева, узун етиштиришни кескин кўпайтириб, уларни шартнома асосида сотишни, бундан тушган маблағни эса социал соҳаларни ривожлантиришга сарфлашни таклиф этаман.

Ҳозир 1—5 синфларда бепул нонушта бериш йўлга қўйилди. Агар оталик колхоз ва совхозлар даромаддан маълум қисмини мактаб эҳтиёжлари учун ажратсалар, бепул нонуштадан барча ўқувчилар баҳраманд бўлардилар. «Оққўрғон» совхози раҳбарлари бунга розилик бердилар. Ешларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам тобора кес-

кинлашмоқда. Шунини ҳисобга олган ҳолда ноҳияда саноат корхоналарининг филмаларини қуриш мақсадаги мувофиқдир.

Тарих ўқитувчиси сифатида ўтмишимизни яхши билиш, тарихий ёдгорликларни авайлаб асраш жуда муҳимлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Масалан, ноҳиямизда Эгартепа, Кетмонтепа деган тарихий жойлар бор. Улар яхши ўрганилмаган. Мактабимизда ўқувчилари билан тарихимиздаги «оқ доғларни» йўқотишга ҳаракат қилмоқдамиз.

ШОҲИДА ҒОЙИПОВА. «Ленинизм» колхозининг аъзоси, ўрта маълумотли, 1970 йилда туғилган:




ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 35 (9781). • 1990 йил 17 февраль • Баҳоси 5 тийин.



ЖУРНАЛИСТЛАР
БИЛАН УЧРАШУВ

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

МУЛК ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА



МОСКВА, 15 февраль. (ТАСС). Парламентимиз учинчи сессиясининг навбатдаги мажлиси бугун эрталаб СССРда мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан бошланди. Мажлисида А. И. Лукьянов раислик қилди.

да қонун лойиҳасини ўтказиш тарихини, унинг умумхалқ муҳокамаси натижаларини эслатди. Мамлакатимиздаги снбсий ва иқтисодий ислохотларнинг бориши, де-ди у, депутатлар мулк тўғрисидаги қонунни қандай қабул қилишларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Докладчи ҳатто шундай фикрни ҳам айтди: совет ҳокимияти ташкил топганидан бери ўтган 72 йил ичида бу даражада чуқур ва туб ўзгаришлар бўлмаган эди. Қонун лойиҳасининг моҳияти шунданки, у мулкчиликнинг турдиган шакллари тўғрисидаги принципал қоидага асосланган.

Шундан кейин депутатлар

СССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раисининг ўринбосари Ю. Х. Калмиқовнинг ахборотини тингладилар. У қонун лойиҳаси комитетлар ва комиссияларда муҳокама қилинганлигини ҳисобга олиб, уни таърифлаб берди. Ю. Х. Калмиқов СССР Олий Совети биринчи муҳокамада маъқуллаган лойиҳа қонунга асос қилиб олинганини қайт этди. Айни вақтда депутатлар қонун лойиҳасининг учта бошқа муқобил вариантлари билан, шунингдек «муаллифлик лойиҳалари» деб аталган 30 та лойиҳа билан ҳам муфассал танишдилар. уларнинг бар-

часида таклиф этилган оқил-она фикрлардан фойдаландилар. Меҳнатқашлардан қонун чиқарувчилар номига узлуксиз келиб турган таклифлар ҳам табиийки, эътиборга олинди.

Шундан сўнг СССР Олий Советининг иқтисодий ислохот масалалари комитети номидан сўзга чиққан А. Н. Бойко қонун лойиҳасининг концепцияси тузилишига тўхталди. Унинг қабул қилиниши муҳимлигини таъкидлади.

Л. И. Абалкин депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Сессия кун тартибига ҳозирча 21 та долзарб масала киритилган. Лекин бу кун тартибига яна бошқа масалалар киритилмайди, деган маънони билдирмайди. Сессия чоғида қўшимчалар ва аниқликлар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетида журналистлар билан учрашув аънаанага айланди. 15 февраль кuni оммавий-ахборот воситалари вакиллари билан учрашувга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Ж. Ҳ. Ҳамидов ва Р. А. Попов келдилар. Мамлакатимиз ва республикаимиз ижтимоий-сиёсий иқтисодий турмушига доир кўлаб масалалар ўртага қўйилди. Булар энг аввало КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг якувлари, КПСС XXVIII съездидаги партия Марказий Комитетининг Ҳаранақ дастури лойиҳасининг қабул қилиниши, Ўзбекистон СССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлов масалаларидан иборат. Республикаимизнинг ҳужалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш усулига ўтиш муаммолари ошқор ва суҳбатда муҳим ўринни эгаллади, Ўзбекистон иқтисодийтини ривожлантиришнинг истиқболли йўллари, давлат программасининг «иш билан таъминлаш» жуда муҳим масаласи амалга оширилиши тўғрисида гап борди.


Учрашувда ҳозирги жураккаб вазиятда, қайта қуриш жараёнларининг бурилиш даврида оммавий-ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиришда фаол иштирок этиши, барча тараққийпарвар кучларнинг жиқлашувида бирлаштирувчилик роляни ўйнаши, партия снбсати ва мафкура-сини, ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини амалга оширувчи муҳим восита бўлиши керак, деб таъкидланди.

(ЎзТАГ).

Сўнгги кеча-кундуз мобайнида СССР Олий Советига коллективлар ва айрим граждандардан келган телеграммалар аввалги мажлисида депутатлар сессия ишини асосий, жуда катта аҳамиятга эга бўлган қонун лойиҳаларидан бошлаш кераклигини талаб қилганликлари улар бошқаларга нисбатан ҳақиқатга яқинлашганликларини тасдиқлади.

Мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан доклад қилган СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. И. Абалкин комитетлар ва комиссиялар-

МУНОСИБЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК



МАНА, қарийб тўрт ой давом этган сайлов тайёргарлиги сўнгги, ҳал қилувчи маррага етди. ЭРТАГА — 18 ФЕВРАЛЬ КУНИ сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар ихтиёрий равишда сайлов участкаларига келадилар ва ўзлари ишонган номзод учун овоз берадилар. Шу билан тўрт ойлик қизгин баҳсларга, мурасасиз, аммо, холис мунозараларга, фикрлар тўқнашувига хотима ясаллади, халқнинг Шўролардаги мухтор вакиллари маълум бўлади.

Бу галги сайловларга тайёргарлик жараёни қатор масалаларни ойдинлаштирди. Чунончи, қайта қуриш шарофати билан бошланган демократия сайлов системасига ҳам аста-секин кириб бора бошлади, халқ «юқоридан кўрсатиладиган номзодларни рад этиб (ҳамма жойда ҳам эмас), ўзи муносиб деб билган кишиларгагина ишонч билдира бошлади. Номзодлар билан сайловолди учрашувларида аввалги лоқайлик йўқолди. Учрашувларда халқ ишончини қозона олмаган номзодларнинг етарли овоз ололмай қолишлари, табиийдир.

Хуллас, ҳокимиятнинг олий органи таркибидикимларнинг бўлиши маъқуллигини халқнинг ўзи белгилайди. Зеро, эртага сайлов қутиси ёнига келган ҳар бир сайловчи ўз эътиқодига содиқ қолиб, фақат муносибларгагина овоз беради. Ҳақиқий демократик сайлов шундай бўлиши керак, албатта.

(Баъзи бир номзодлар ҳақидаги материаллар билан газетанинг 4-, 5-саноқларида танишасиз).

ЯНГИ БИНО МУБОРАК

ОҲАНГАРОН ноҳиясидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозидagi 48-мактаб ўқувчиларининг қувончлари чексиз. Яқинда улар эски бинони тарк этиб, янгисига кўчиб ўтдилар.

Т. Хегай бошлиқ меҳнат ишлаб чиқариш кооператив биноёкорлари томонидан барпо этилган ушбу мактаб 1147 ўқувчига муҳалланган бўлиб, компьютер хоналарига эга.

М. МУЗАФФАРОВА.

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙМИ?

УСТАХОНАДА

ПИСКЕНТ ноҳиясининг «Партия XXVI съезди» совхозида 1990 йилги ҳосилга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Совхознинг Абдумўмин Турдиев бошлиқ устахонаси аъзолари шу кунларда барча механизмларни созлаш ишларини намунави олиб боришмоқда. Жорий йили ҳужаликда 36 та ҳайдов, 57 та чопи, 35 комплект борона, 67 та сепкалар ремонтдан чиқарилади.

Бош устахонада жами 46 киши меҳнат қилади, Хусейн Утенов, Аҳмад Давлатов, Иван Ковальский сингари ремонтчи-слесарлар кунлик иш топшириқларини 110—115 фонига эво этиб ўз ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда. Ҳозиргача бу ерда 35 та сепка, 35 комплект борона ва бошқа ускуналар мавсумга тайёрлаб қўйилди.

У. МУҲАМЕДОВ.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

СССР Министрлар Совети 1990 йил 14 февраль кuni «Мекеевуголь» бирлашмасининг Поченков номили шхтасида юз берган авария натижасида ҳалок бўлган кишиларнинг оилаларига, қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ҳукумат комиссиясига ва тегишли давлат идораларига авария оқибатларини тугатиш, жабрлаганларга ҳамда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам бериш учун зарур чораларни кўриш топширилди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПАРТИЯ ХХVIII СЪЕЗДИГА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

СИЁСАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ, ИШНИ УНУТМАСЛИК КЕРАК

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлган февраль Пленуми, КПСС Марказий Комитетининг партия ХХVIII съездига эълон қилинган ҳаракат дастури миллион-миллион совет кишиларининг эътиборини ўзига тортиққа. Эртага бизни нималар кутмоқда, жамиятимиз қандай бўлади? Афуски, унчалик жўн бўлмаган, лекин ҳаётини муҳим масалалар кўп жиҳатдан узиб-кесиб ҳал этилганча йўқ. Ҳозирги ижтимоий кайфиятсизлик ва ишончсизлик ўрнига нима эгалланиш мумкин, тангликдан тез ва узиб-кесиб чиқилишни йўли борми? ЎзТАГ мухбирлари Л. Левин ва С. Фенотин КПСС Марказий Комитети Пленумининг қатнашчиси, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фойлбеков билан шу ҳақда суҳбатлашдиклар.

— Адҳамбек Иброҳимович, биз мураккаб даврда яшаймиз. Миллатлараро шожалар кескинлашти, мамлакатимизнинг бир қанча минтақаларида турли хил норасмий ташкилотлар, халқ фронтлари ва ҳаракатлари гучга тўлмоқда. Бу ҳақда Марказий Комитет Пленумида батафсил гап-гашаб олинди. Сиз Пленум ишлари қандай баҳолайсиз? Аввал бошда рекалантирилган икки кун ягона бир фикрга келиш учун етмаганлигига нималар дея olasiz?

— Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумини одатдаги анъанавий Пленумларга қисқаб бўлмайди. Коммунистларнинг, совет халқи аксарият кўпчилигининг унга қизиқиши ҳам тушунарли. Пленум кун тартибига қўйилган масалалар ҳозир ҳар бир кишини тўққинлантираётганлигини айтсам, мулоҳаза бўлмаса керак. Аслида бу масалаларнинг кўпчилиги ҳал қилинган. Ошкоралик муҳитининг ўзи, фикрларнинг хилма-хиллиги, мулоҳазаларнинг ўтирилиги демократия талабларига тўла жавоб беради. Шундай қилиб, қайта қуришнинг дастлабки босқичидаёқ илгари сурилган ниятлар ушбу анжуман ишида тўла ўз аксини топди. Менинг назаримда, энг муҳими, Марказий Комитет Пленуми партия одамлар

турмушини яхшилашни ўзининг асосий мақсади деб биллаётганлигини тасдиқлаганлигидир. Ижтимоий адолатга риоя қилиш, одамларнинг турмуш ва меҳнат шартларини яхшилаш масалалари асосий вазифа қилиб қўйилди. Жамият тараққиёти пировард натижада худди шу нарса билан белгиланади.

СССР Конституциясининг олтинчи моддаси тўғрисида жиддий ва муфассал гап-гашаб олинди. Партия ҳеч қандай имтиёзга муҳтож эмас, ўзининг жамиятдаги етакчилик роли учун турли жамоат ташкилотлари, истиқболда эса, эҳтимол бошқа партиялар билан ҳам муносабатлашади.

Бугун вазиятга ақл-идрок билан баҳо бериш муаммоларининг моҳиятига чуқур кириш керак. Ҳозирги босқичда КПССдан бўлак жамиятни тангликдан чиқара оладиган бошқа куч йўқ. Чунки ҳозирча ҳеч ким мамлакатни ижтимоий-иқтисодий соғломлаштиришнинг асосланган, ҳаётини стратегик рекассини тақдим этгани йўқ.

— Пленумдаги, умуман бир қанча нутқларда февраль анжумани ишнинг самараси пастлиги тўғрисида, жонга теккан сафсатабозлик ҳақида гапирилди. Шу муносабат билан сиз нима дея olasiz?

— Мен бу тоифадаги нотикларнинг безовталигини тушунишим мумкин. Мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соғломлаштириш масалалари ўз йўлида кўплас мураккабликларга дуч келмоқда. Қайта қуришга қарши кучлар тобора кўпроқ ўзларини кўрсатишмоқда. Келинг, аҳволга хушёрлик билан қарайлик, унга тўғри баҳо берайлик. Ҳеч бўлмаса ҳукуматнинг иқтисодий программасини олиб кўринг. У қабул қилинган СССР халқ депутатларининг иккинчи Съезди ҳаммининг эсида турибди. Ҳа, бу программа хусусида кўп танқидий фикрлар бўлган. Шундай бўлса ҳам бирор киши унга у билан беллаша оладиган муқобил ҳужжатни тақдим эта олмади. Кўр-қуруна танқид қилдиган пайтлар ўтиб кетди. Одамлар бўлаётган ўзгаришларни очиб кўришни, уни сезишни хоҳлашмоқда. Шу босдан Иттифоқ ҳукуматининг ҳужжалик ҳисобидан омиллари яратиб режаларни қўйилган натижага беради. Бу ўзбекистон учун ҳам, унинг пойтахти учун ҳам гоё муҳимдир. Одамлар эртага уларни нималар кутаётганини, нимага эга бўлишларини аниқ билишлари керак.

— Кутганларингиз қайси маънода оқланмади?

— Мен Пленум қандай шошма-шошарлик билан тайёрланганлигини сездим. Ана шу сезги мени ҳеч тарқ этмади. Партиянинг ривожланиши истиқболлари етарли даражада аниқ белгиланмаган. Бу, шубҳасиз, анжуман самарадорлигига таъсир қилди.

— Россия Компартиясини тузиш ҳақидаги таклифга муносабатингиз қандай, Литва Компартиясида рўй берган ажралишга муносабатингиз-чи?

— Россия Компартияси-

нинг тузилиши — Россия коммунистларининг ишидир. Улар муносабатини «март-апрель» ойида бўладиган партия конференцияларида узиб-кесиб қаъор қабул қилдилар. Лекин менинг нуқтаи назарим шундай: бундай қилиш керак эмас. Чунки бу нарса КПССнинг ажралишига олиб келиши, мамлакатимиз бир қанча минтақаларида шубҳис ҳам жиддийлашган аҳволни янада кескинлаштириши мумкин. Шундан келиб чиқиб, мен нима сабабдан Литва Компартиясидаги ажралишни қоралаган Пленум қарори учун овоз берганимизни тушуниш мумкин. Аслида, у ерда турли ҳаракат дастурига эга бўлган иккита партия пайдо бўлди.

— Сиз Тошкент коммунистларининг кўп миңг иштирокчи ва кўп миллатли оғирдиннинг раҳбари ҳисобланасиз. Ўз фаолиятингизда нима муҳим деб ҳисоблайсиз?

— Бу саволга бир хил жавоб бериш мушкул. Тошкент кўп жиҳатдан ноёб шаҳар саналади. Нега ўн йиллар мобайнида шаҳримизда юзта миллат вакиллари яшаб, елкама-елка меҳнат қилишмоқда. Улар ўртасидаги дўстлик, тўла ҳамжиҳатлик, ишонч ҳар доим шаҳримизнинг ўзига хос фазилати бўлган. Шу босдан бундай бирлиكنи сақлашни ўзимнинг асосий вазифалиримдан бири деб ҳисоблайман.

Партия ҳужжақуринчиликка йўл қўйганилиги учун неча бор танқид қилинди. Энди аҳвол тубдан ўзгармоқда. Масалан, Тошкентни уни истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини олайлик. Биринчидан, бу режаларда сўнгги йилларда мамлакатимиздаги йирик марказларни ривожлантиришга юзга келган номуносабибликларни бартараф этиш назарда тутилди. Иккинчидан, эски

шаҳар қисмининг тарихан таркиби тоғдан даҳаларига қайтадан жон бағишланади. Учинчидан, ушбу режа келаси беш йиллик бошланганидан бир йил аввал ишлаб чиқилганлиги жуда муҳим иш бўлди. Муайян резервлар вуқудга келтирилди, улардан иложи борича самарали фойдаланиш лозим. Материаллар ва ускуналарга шартномалар тузиш ҳам, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳам, харидорғир молларни кескин қўпайтиришга ўтиш ҳам ана шундай резервларга кирди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, ана шу режалар амалга оширилса, одамларнинг турмуши яхшиланади, бозорларни моллар билан тўлдирish мумкин. Лекин бунинг битта муҳим шарты бор. Омминг сиёсий фаолияти демократиянинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бироқ одамлар демократия билан қизиқиб кетиб, ўзларининг асосий ишларини унутмаётган жараёнлар ҳам кузатишмоқда. Иқтисодий соғломлаштиришнинг аjoyиб лойиҳаларини яратиб ва ишлаб чиқиш мумкин. Лекин бундай лойиҳалар одамларнинг фидокорона меҳнатсиз лойиҳалигига қорозда қолиб кетаверади.

— Мамлакатимизда партия билан Советларнинг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советларга сайлов яқинлашмоқда. Халқ номзодлари орасида коммунистлар ҳам кўп. Сиз уларга қандай истак билдирган бўлур эдингиз?

— Мен шаҳар Совети ҳақида гапирмоқчиман. Халқ депутатлари кўп муаммоларни ҳал қилишлари керак бўлади. Муҳими — улар ўз сайловчиларининг тавнишларини билан яшашлари, ана шу сайловчиларнинг меҳнат ва манший шароитларини яхшилаш устида ишлашлари, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлиكنи мустаҳкамлашлари керак. Улар камбағал оилаларни алоҳида назорат қилишлари лозим. Мен шаҳар партия комитетининг ҳамма ходимлари халқ танлаган депутатларга уларнинг барча яхши ташаббусларини амалга оширишда ёрдам берадилар, деб ишонтиришим мумкин.

ЭРКИН ФИКРЛАШУВ МАВЗУИ

КПСС Марказий Комитетининг партия ХХVIII съездида Ҳаракат дастури лойиҳасига сиз қандай муносабат билдирасиз?

Мухбирингиз бу саволга Ленин ноҳия партия комитети ҳузуридаги «Еш коммунистлар мактаби» тингловчилари қуйидагича жавоб бердилар.

● Жамия БУРХОНОВА, Тошкент темирйўл транспорт инженерлари институтининг ўқитувчиси:

— Еш коммунистлар ўртасида демократик централизм принципи хусусида кўп баҳс бўлади. Лойиҳани ўқиб бу баҳсга ечим топганим бўлди. Ҳаракат дастури лойиҳасида таъкидланганидек, демократик централизм принципини партияни чуқур демократиялаш нуқтаи назаридан қайта идрок этиш, қўйи мансабдорнинг юқори мансабдорга босқичма-босқич бўйсунтиришдан иборат казарма интизомини бартараф этиш керак. Шунда ишга икжодий, ленинча ёндашув бўлади. Маълумки, сталинлик даврида демократик централизм принципи қасддан бузилди, казарма интизоми ўрнатилган эди.

КПСС партияни ниҳоятда чуқур демократиялаш тарафдори бўлиб чиқди. Бунинг учун фикрлар хилма-хиллигини, танқид эркинчилигини КПСС Уставига гарантйялаб қўйиш керак. Шу билан бирга партия сафларининг демократик бирлигини таъминлаш ҳам лозим. Бу ҳужжат би-

лан биринчи танишиб чиқишдаёқ уни тайёрлашда, ленинча принципларга тўла амал қилинганлигига ишонч ҳосил қилдик.

● Аҳмад ХУЖАЕВ, «Ташхотторг» га қарашли 32-магазин директори:

— Очигини айтсам, ҳозир харидорлар билан юзма-юз бўлишга беэиллаб қолганмиз. Улар пештахталар бўм-бўшлиги, турмушда зарур бўлган энг оддий нарсалар ҳам савдода йўқлигидан шикоят қилишади. Бу санаот корхоналарининг айби билан бўлган. Лекин таъналарни биз эшитапмиз.

Аксарият бирлашма ва корхоналар ўзларига берилган мустақилликдан ўз коллективлари манфаатларининг яна ўйлаб фойдалана бошлади. Улар катта фойда олиш учун зўр бериб, қимматбаҳо буюмлар ишлаб чиқаришга киришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасида тўкис бозор ҳужаймаларини ташкил этиш учун истеъмол молларни қўпайтириш зарурлиги ўқтирилди. Партия соғлом асосда кооператив ҳаракатни ри-

вожлантиришга ҳар томонлама ёрдам бериши лозим. Ана шунда арзон истеъмол моллари сероб бўлади.

● Баҳодир МУРТАЗОВЕВ, «Қизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бухгалтери:

— Ҳаракат дастури лойиҳасининг мен учун энг маъбул жойи хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шартининг яхшилашга доир фикрлар бўлди. Бу вазифа КПССнинг энг муҳим режалари қаторига қўйилганлиги айни мудаодир. Худди шу жойда ҳомиладорлик отпускиси даври ва болага қараш учун бериладиган отпусқа муддатини узайтириш зарурлиги тўғри таъкидланган.

Ҳозир болага қараш учун туланидиган нафақа 35 сўмга ташкил этади. Бугунги нарх-наво даражасида бу жуда кам эканлиги ҳаммага аён. Мамлакатимиз молиявий аҳволининг мураккаблигини жуда яхши биламиз. Ортиқча маблағлар йўқ. Лекин изланса имконият топиш мумкин. Шуну ҳисобга олиб, Ҳаракат дастури лойиҳасига болага қараш учун бериладиган отпусқа даврида оналарга туланидиган ҳақни қўпайтириш учун ҳамма чоралар кўрилади, деб ёзиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАСИН

КПСС Марказий Комитетининг партия ХХVIII съездида Ҳаракат дастурининг диққат билан ўқиб чиқдим. Дастурнинг «Инсон — партия сиёсатининг марказида» бобидаги болалар тўғрисидаги фикрларни ўқиб ўйланиб қолдим. Миллатимиз серферзанд халқ. Болаларимиз, уларни тарбиялаётган биз оналар учун кўрсатиладиган ички-на тўғри ҳам бошимизни кўнка етказди. Жувландан, шу йилнинг 1 июлидан боғлаб бир ярим йилга тўлганча онага иш жойидан ҳақ туланидиган ва қўпимча яна бир ярим йил ҳақ туланидиган отпусқа берилиши бунинг яққол далилидир. Энди дастурнинг ўша қисмидаги «болалар муассасалари қуриш ва уларнинг иш сифатини яхшилаш, болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга маблағ ажратилиши қўпайтиришнинг чораларини сира кечиртирмай амалга ошириш...» жумлаларини ўқиб жуда қувондим. Сўнг, ҳавотирландим: «бу ҳам қорозда қолиб кетадиган гаплар эмасми-кан?» Чунки, эс-ҳушимни та-

ниганимдан бери «Яхши нарсалар — болаларга!» деган шioriн эшитиб келаман, ҳаётда эса буни ҳўрмаймаман. Масалан, фарзандимни икки йил, ҳатто, уч йилсиз боғчага жойлай олмаймам. Ноҳия халқ таълими бўлимида бир хил жавобни эшитаман: «Набат бўйича», «Жой йўқ». Сабабини сурштирсам «Янги боғчалар қурилмапти» дейишади.

Ярим метр мато билан тикиландиган, давлат нархи 1—3 сўм турадиган колготкаларни чайқовда икки баробар қимматга сотиб оламиз. Милليونлаб тоғна пахта етиштирсак, тўқимачилик, тикув сановати корхоналари гурўллаб ишлаб турса-ю, арзиманган иштонини қидириб юрсак. Менинг ягона истагини ҳам, талабим ҳам шунки, дастурдаги иройили сўзлар қорозда қолиб кетмаса. Дастурдаги режалар амалга ошса партиянинг юзи ёруғ, халқнинг турмуш фаровонлиги юксалган бўларди.

Р. РАҲМАТУЛЛАЕВА, кўп болали она, Тошкент шаҳри.



САНОБАР ая ишдан қайтаркан, келини Робиянинг очик чеҳра билан қаршилаганини кўриб кўнгли ёришди. «Умридан барака топсин! Мен билан бир ҳовлида яшаётган иккала келинимнинг ҳам тенги йўқ, ҳурматиمنى ҳар доим жойига қўйишадими», дея ҳаёлидан ўтказди у.

— Умрларингиздан барака топинглар, болаларим,— деди у мамунлик билан. «Болаларим» сўздан меҳри товланган келин жиймайиб кўйдими...

Ҳа, орамизда келинлари билан ўз фарзандларидай тоту яшаётган бағри кенг қайноналар кўпчиликини ташкил этади. Ана шундайлардан бири Санобар ая Холтўраевадир.

Ишдан ҳорғин қайтган қайнонасининг оппоқ оқарган сочларига, маъносилик енга олмаган юзларига қараркан, Робия гап бошлади:

— Энди ишланган, «онажон!» Саккиз ўйил, беш келин, тўрт нафар қўва ва бир этак невараларингиз бағрида бир кун у ўғлингизнинг, бир кун бу қизингизнинг азиз меҳмони бўлиб яшаш сизга ярашадими. Шу хурсандчиликларга пенсия

пунлигиз етмаса, ўзимиз ёрдам берамиз, майлими?
Келинининг кунончақлик билан айтган бу сўзларидан қайнонанинг кўзларидан севиноч ёшлари порлади. У ўзини қўлга олиб деди:

— Болам, ишлаганини айби йўқ. Пенсиядан, деб оғирлигини сизларга солиб, бекор юришга ориятим чидамайди. Ҳали Наврўзбек, Шунқор, Лоқинларни ўқитишим, уйли-жойли қилишим керак! Бу мен учун ҳам фарз, ҳам қарз. Ҳа, сизлар бир четда қараб турмайсизлар. Ҳарқалай ме-

нарсани ҳам пайсалга солмас,— норози бўлди Робия.
Бундай аччиқ-чучук гап-сўзлардан воқиф бўлган Санобар ая йиллик ҳисоботдан кейин колхоз томондан берилган миғ сўм пулни дарҳол ўғлига тутказди:

— Ол, болам, туртинма, биз ҳам эл қатори уйимизни газ билан иситайлик, ахир!...

Санобар аянинг турмуш ўртоғи Очил ака Холтўраевнинг (у ўқитувчи эди) вафот этганига саккиз йил бўлди. Шу йиллар давомида ая уч келин олиб, уч қизини турмушга чи-

да уйга бир қийиқ олма-анор олиб келгандигиз. Шунда «Онаси, бизнинг уйимизда чақалоқнинг йиғисидан бошқа йиғи бўлмасин, ол, истаганинги олиб келдим», дегандигиз-а, Сал ўтмасдан катта ўғлимиз Солижон туғилди. Бугун қийиқчага туғилган олма-анорларни ўғилларингиз олиб келмоқда. Уйимизда жажжи чақалоқлар — невараларингиз йиғиси янграмоқда, эшитаянсимизми?

Мен сиз айтгандай, келинларимни фарзандларимдан ардоқлайман. Қизларингиз-

ришларидан завқланади. Зотан, ўн етти нафар неваранинг бувиси, беш келин, тўрт кўванинг қайнонаси бўлиш оссонмас.

Бултур Санобар аянинг анча соғлиғи бўлмади. Қон босими ошиб, кўзлари хиралашди. Шифохонада узоқ даволанди. Лекин кўзлари ҳамон хиралигича қолди. Шунда Тошкентдаги шифохоналардан бирида унинг кўзини операция қилишди. Бундай пайтда ҳамма келинлари, қизлари ва қўвларни, ўғиллари унинг холидан хабардор бўлиб, кўнглига далда беришди. Айниқса, катта келини Розанинг икки кўзи боғланган, кўнгли қоронғи пайтда ёнида ўтириб, «кўзларингизга нур бўлайин, онажон» деган ҳаётбахш сўзларини ҳеч қачон ёдидан чиқара олмайди. Бу сўзлар онанинг тезроқ соғайиб, оёққа туришига куч-қувват бўлди. Унинг кўзлари аввалгидай равшанлашиб, меҳрибон болалари бағрига ҳайтди.

— Бахт-своятнинг қалти — мол-дунё, бойлик эмас, балки аҳилликдир. Келинларим — фарзандларим, дейди ая. Улардан ҳеч қачон нолимайман. Сабоби, ишдан келсан: оваткам тайёр, кийимларими ювланган уй ва ҳовли суғурилган, Менга невараларимни боқиб, оватқатлаиб, дам олишдан бошқа иш қолмагандан кейин нима қилардим, ўргулларай, ишлайман-де! Меҳмондорчиликка боришга ҳам вақт топилмади. Ҳаётимдан мамунман. Шу кунларга етказганига миғ қатла шукур!

У. АСҚАРОВА.

АЁЛ САДОҚАТИ, МЕҲРИГА ТАЪЗИМ

нинг оналик улушим бошқача бўлади, болам.

Қайнонасининг гапларини тинглаб ўтириб Робиянинг ади гап воқеа тушди: улар яшаётган кўчага газ келганди. Ен кўшнлар 1000—1500 сўмдан пўл тўлаб, уйларига табиий газ турширдилар. Робия бу ҳақда турмуш ўртоғи Шамсиддинга айтганди, у:

— Узингга маълум, толгантутганим рўзгорга кетяпти. Шунча пулни қаердан оламан? Бу йил бўлмаса янаги йил газлаштирармиз,— деди.

— Ҳамма кўшнларимиз қора лечкага кўмир ақшидан кутулса-ю, биз бўлсак тайёр

қарди. У бева қолганди қирқ тўққиз ёшда эди. Ун икки нафар фарзандини ҳам ота, ҳам она ўрнида тарбиялаш Санобар аянинг зиммасига тушди... Ая келинининг «Онажон, энди сиз ишланган» деган сўзларидан алланечук бўлиб ҳовли турлидаги уйга оҳиста йўл олди. Марҳум эрининг девордаги сурати ёнига тиз чўкиб, беихтиёр у билан сўхбатлаша бошлади:

— Ана, орзуларингиз рўёбга чиқмоқда, дадаси. Бугун мен билан сиз кўша-кўша келинларингиз, кўвларингиз қайнота-қайнонасиниз. Эсингиздами, қишнинг қаттиқ чилласи-

нинг ҳаммаси уйли-жойли. Улар келин бўлиб тушган жойлариде тиң-тотув яшаб, увалли-жували бўлишяпти. Келин ва қўвлар ўртасида ҳаммаша меҳр-оқибат устун. Бундан хотирингиз жам бўлсин. Бироқ эрта келган ажалнинг қора соясидан доғдаман, холос...

Санобар Холтўраева Оққўрғон ноҳиясидаги Вотинцев номи колхозда яшади. У пенсияда бўлишига қарамай, ҳар кун тонг саҳарда уйғониб ишга отланади. Ая колхоздаги 1-болалар богчасида ошпаз бўлиб ишлайди. Ишдан қайтган неваралари билан обора бўлади. Уларнинг чулдираб гапи-

асаблари тараңлашди ва ортига қаради. Қаради-ю, кўзларидеги газаб учқунлари бирдан ўчди. Чунки Дилдора унга кучоқ очиб кулиб турарди.

— Кел, сингилжон, кўй ўша майда-чўйда гапни. Сен билан бугун яраш оши қилмоқчиман. Мен, гуноҳкорман. Бўлдимми, кеңирдингми? Юр, энди ўртоқларинг олдида юзингдан битта ўпиб қўяй. Айта-айта юрарсан,— дея Наргизни кучоқлаб олди.

Неча кундан буён дили хира бўлиб юрган Наргиз шошиб қолди. Ахир ўзидан 4—5 ёш катта, ундан кўра тузуқ маош оладиган, ишхонасида ҳаммага сўзини ўтказадиган Дилдора онасининг ҳозирги ҳолатини ҳеч кутмаган эди. Нега? У ҳам ўзини енгил ҳис қилди-да, кучоқини очди. Иккаласи чин дилдан салимийи кулиб юборишди ва бирнеча кундан буён орада изиллаб турган совуқчилик кетди-қолди келмас жойларга. Ҳазил-хузул қилишиб тушликка «яраш оши» олиб келишди яқин ошхонадан ва дугоналар билан суҳбат қилиб кетди. Ҳамма баробарига кеңгача хурсанд юришди ўша кун...

Табият қўйинда асабларига дам берган киши ўзини бардамгина сезмасдан атрофдагиларнинг ҳам кайфиятига таъсирини ўтказиши табиий. Қолаверса, одамда бир аjoyиб ҳолат бўлади, ўшани авайлашимиз керак. Кеңирувчанлик, оқ кўнглилик ва салимайлик оҳанрабодай ўзига мафтун этади.

Емон билан юз йил даврон сургандан, Яхши билан бир дам суҳбат яхшидур... деган ҳикматли сўзларни ёдига сақлаган одам ҳеч қачон юзқизмаган. Ешлар қайси даврада камол топётганини ҳам жуда муҳим. Барча шароитдаги ўсётган қизил гул билан қатлақда томир отган қизил гул бир-бирдан қанча фарқланса, одамлар ҳам шундай. Яхшилар билан юрган одам камол топиб кетаверганидек, пасткашлар даврасидаги яхши одам ҳам бир кунги ўшалар қилган паялдан қўчмай қолади.

Баҳор ўқини тугатиб ишга келганда одам кўзига ҳаммаша ёқимтой кўринар эди. Бахтсизлики қарангчи, у яхшилар орасига тушмаган эди. Тушлик вақтида ишхонанинг ичидан қулфаниб у танимаган кишилар билан битта курс атрофида ўтириб оққатланётган ҳаммасларига ҳайрон боқарди. Бир-икки мартаба Баҳор кетиб қолди. Бу ҳол қолганларга ёқмади. Кун кеча унга Сарои онаси шундай деди:

— Ҳей қиз, кемага тушганинг жон бир. Биз билан ишлайсанми, биз билан борасан, биз билан ҳисоблашсан. Сен кимсан ўзи. Суриштирдим, ҳеч қаерда катта ишда ишлайдиган одамнинг йўқ экан. Намунча ўзингни катта олмасанг. Биз би-

лан ўтирадиган ва бизни йўқлаб келади-ганлар сен ўйлагандақалар эмас. Бирпас суҳбатлашиб, тушлик қилиб кетадилар. Ҳаражати ниса улар кўтаришадими. Билдингми, 120 сўм маош билан қаерга ҳам борардинг кеңкайиб. Тушундингми?

Баҳор индамади. Сарои онаси чўкиб кетди хонасига. Баҳор эса қотиб қолди. Булар билан келишолмаслигини биларди, бироқ бугунгидек яқинлиги қолшини ўйламаганди. Навилож, кўп ўтмай ишдан бўшаш учун ариза берди ҳеч кимга чўрқ этмасдан. У нолок қадам босмаганига, нолок дастурхондан тамадди емаганига, катта кишилар билан ҳиринглашиб ўтирмаганига хурсанд эди. Ҳалол ва одобли бўлиб ўсган бу қизга бу ер нолойиқ кўринди. У қай эшикка иш сўраб боради ўзи ҳам билмасди...

Табият қўйинга шошилайлик, асабларимизга ором бериб. Яхшилар қаторидан жой сўрайлик ҳали ёмонлар рўйхатига тушмай туриб. Шарқираб оқётган ариқ буйларидеги яллиз бир қарашда кўзингизни олмайди, бироқ унинг кайфиятигизга таъсир этиб чеҳрангизга табассум берувчи кудрати — тоза, ўткир ва ёқимли исда эмасми.

Жимитдайгина қушча бир қарашда кўзга ташланмагани билан чак-чак уриб сайраши, жарангдор овози билангина булбул номини кўнларга кўтариб униб юришига қараб ҳам кўп жумбоқларга жавоб топса бўлади.

Райҳон ёқимли ис биланги учун ҳовилар тўридан жой олади, чирмовнинг қарнайғули нафисгина бўлса-да, қаерда кўрсак илдизи билан суғуриб ташлаймиз. Исирриқ-оддий ўт. Унинг ўзига хос хосиятларини билганимиз учун келинчақларнинг уйига, боламизнинг бешигига осиб қўямиз. Унинг оёқ остида ётганига ҳеч кўзимиз тушмаган.

Табият қўйиндаги ўт-ўланлар турфаларини бир-бирдан кўрган захотиёк ажратиб оламиз. Одамларчи, ундай эмас. Кимнинг қандайлигини у билан мулоқотда бўлганлардан, сўзининг мазани ва босган қадамларидан биламиз.

Ҳар қанча севмасак ҳам ўтлар ичиде сассиқ алаф ҳам яшаб келётганидай, одамлар суймаса ҳам ўша сассиқ алафдай бадбўй, ўнта гапидан битта маъно чиқмайдиганлар ҳам яшяпти. Навилож. Табият қўйини безаб турган сокин кўни, қирғоқларга тўш уриб оқётган дەرвларни, лим-лим асалга тўлиб турган болгаларни қадрига етганимиздек, одамлар орасидеги оқибати, меҳрини ва дўстлигини ҳам улуғлаганга не етсин!.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА,
муаллима.

•Инсон ва ахлоқ•

ГУЛВААЛАФ

ЭРТА кўкламда энди гулга кирган болгаларни, саратонда пишиб етилаётган ўрикзорларни ва бағрига миғ бир тилсимотни яшириб ҳамон кўркак кеңиб турган тоғ бағрини, сокин ва тиниб оқётган сўлим сўйларини кезганимизда орзиқиб кетаман. Бор шууримни шодликка бошлаётган табиятдан рози бўлман. Сада райҳоннинг бир дона шоҳи таратган муаттарҳида бергулик — аризулик нима бор аслида.

Ойдин кечаларда шарқираб, ўйноқлаб оқётган ариқ лабида ҳаёл суришининг гашти ўзгача. Ана шундай дамларда оламнинг кеңлигига, ҳаётта ёмонлардан кўра яхшилар ҳар қалай кўп эканлигига ва яшаш биз ўйлаганча мушуқ эмаслигига ишонгингиз келади. Кўшни маҳалладан таралаётган ёр-ёр садосига жўр бўлаётган сурнайнинг нолокор сасига интиқлик билан кулоқ тутасиз. Шундай сўлим ёз оқшомида умид билан бир ёстиққа бош қўяётганларга пинҳона бахт тилайсиз.

Жимир-жимир қилиб қўш нурда товланиб кўзин олаётган тиниқ қўлга боқиб мафтун бўласиз. Нариги киргоғи зўрга кўзга чалиниб турган қўлда чўмилар экансиз, ўзингизнинг миттигина эканлигингизга ҳам дафъатан ишонасиз. Уш жимитдай жонингизда оромли дамлардан кўра беором кечаларингиз кўп эканлигига илк бор афсусланиб кетасиз. Соп-сарик тоза қули қирғоқда бир зум нафас ростлагани ўлтириб эса, энди ҳеч кимга озор бермасликка, ҳаммага яхшилик қилишга, майда-чўйда ташвишлардан узоқроқ юришга ва омадсиз кунларингиздаги ноўрин изтироблардан ҳоли бўлишга қасам ичасиз кўнглингизда.

Етоғингизга мўралаб хонангизингизга эмас, кўнглингизни ҳам ёритиб турган дераза ортидаги тўли ой нурига узоқ тиқилиб ётган ўрингизда беҳитиб бугун кимга қувонч, кимгадир ранг берган табиятингиздаги хатоларингизни бир сарҳисоб қилиб олсиз. Инсон табиятининг энг суюкли фарзанди бўлатуриб ўзи билиб ёки билмай атроф-муҳитини ўзига яқин қирраларига қўпчилик қилиб қўяди. Кўпича эса бу ҳақда жиддий ўйлаб ҳам кўргиси келмайди. Бир кун табият қўйинда бўлган одам кўнглидаги бор гина-қудратдан воз кечадир. Кимдандир норози бўлиб юрган дамларидан афсус чекади.

Кун билан дугоналари қўршовида тоғ сайлида дам олган Дилдора ўзини енгил сезди. Рўхиятидаги кўтаринкиликдан кайфи чоғ юрди ишхонасида. Дафъатан ўтган кун сел нарсаси дилини ранжитган ҳамкасби ашгина ходима Наргизни кўриб қолди ҳовлида. Наргиз уни кўрмаганликка олиб йўлини терс буратувди, Дилдора «пиқ» этиб кулиб юборди. Наргизнинг

Халқ номзодлари

АСФАЛТ ҚИЛИШ ДЕПУТАТНИНГ ИШИМИ?

Ўзбекистон ССР халқ депутатининг вазифаси нимадан иборат бўлмоғи керак? Шу мавзуда 113-Келес сайлов мавзусидан жумҳуриятимиз халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган Тошкент ноҳияси Навоий номида жамоат хўжалиги бригадасининг бошлиғи Баҳодир Сайдуллоев билан суҳбатлашдик. Номзод мени меҳнатда янги бўлгани учун эмас, балки сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича билимдон, ўз фикрини катта йиғилишларда ҳам дадил айта олиши билан қизиқтирдим.

— Маълумки, сайланажак 500 нафар Ўзбекистон ССР халқ депутати бир вақтнинг ўзиде Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг аъзолари ҳам ҳисобланади ва жумҳуриятимизни бошқаришлари керак, — деди номзод. — Олий Кенгаш аъзоларининг асосий вазифаси сессияларда фақатгина овоз бериш ёки қарасаллик қилиш эмас, балки жумҳуриятимиз келажагини белгиловчи муҳим қонун ва ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишидир. Ҳозирги кўпгина қонун ва қарорлар маҳаллий шартноларга тўғри келмайди. Жумладан, амалдаги қонунга мувофиқ янги тартибдаги уй-йўқ қуришга ер ажратиб берилиши учун жон бошига янаш майдон етти квадрат метрдан кам бўлиши керак. Ахир бу давлат квартирасида туриб, давлатдан ўқимча квартиранга қонун тўғри келадими? Янги тартибдаги уй-йўқ қуриш учун ер ажратиб берилишида жон бошига тўғри келадиган янаш хонанининг сатҳи эмас, ҳар бир оилага тўғри келадиган ҳўвлиннинг умумий майдонининг ҳисобга олиш керак. Айтилик, майдони ўн сотихлик ҳўвлида уч оила яшайётган бўлса, икки оилага янги уй-йўқ қуриш учун ер ажратиб берилиши зарур деб ўйлайман. Шунга ўхшаш масалалар Олий Кенгашда қўрилиб, ҳал қилини-

риди. Айниқса, ёшлар ўртасида спиртли ичимликларнинг истеъмол қилиниши, ҳаттоки, тибқувандликнинг тобора ааж олинчи кўпчилиги ташвишга солинмоқда. Чунки, булар ёшларнинг маънавий қашшоқлашуви, тарбиянинг бузилишига, улар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келади. Бунинг устига мактабларда билим олишга бўлган иштилонинг сустайиши ҳал эҳтиш учун бутун чораларни кўрмоқ зарур. Мактабларда ҳам ҳар бир синфда 30—40 тадан ўқувчи ўқитилайти. Синфларда кўпи билан 20—25 ўқувчи ўқийдиган бўлиши керак.

— Очгини айтганда, сайловчиларда: «Оддий бригадир Олий Кенгашда нима иш қилиб беради?» деган савол туғилиши табиий...

— Гапингиз тўғри. Авваллари фалон фозиз колхозчи, фалон фозиз ишчи депутат қилиб сайланган, деган оқорнинг кўрсатмаси бўлар эди. Ҳозирги сайловда бир нечта номзод бўлгани учун оқорнинг амри камроқ ўтади. Халқ ўзи ишонган номзодга овоз беради. Ўзим ҳақимда айтидиган бўлсам, аввалом бот мен сиёсат ва иқтисод соҳаларига қизиққанман. Дунёда, мамлакатимизда бўлаётган янгиликлар ва ўзгаришлардан доим воқиф бўлиб тураман. Атарофимиздаги муаммоларни ҳал этиш йўллари кўп ўйлабман. Агар депутатликка сайланганим бўлсам, илғор фикри Олий Совет аъзолари билан тараққ топишиб, тил топишига ва ҳамкорликда сессияларда жумҳуриятимиз келажагини белгиловчи муҳим тақдирларни кўтариб чиқишга ҳаракат қиламан.

— Учрашуларда ёшлар ўртасидаги муаммолар ҳам кўтарилаётгани, бу масалада фикрингиз қандай?

— Бу жуда ўткир муаммо. Сайловчилар томонидан кўп мартаба бу масала кўта-

ҚЎЛИД КЕЛА

Калинин ноҳияси сайловчилари ҳазиллашиб «Биз бараваракайта тўрт генерални жумҳурят халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатганимиз», дейишди. СССР Халқ артисти Зкир Муҳаммаджонов халқ орасида «Генерал Собир Раҳимов» бўлиб кетган. И. Худойқўлов, Б. Тўрхўнаевлар ҳам уларига хос генераллардан: йирик корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари.

Биз бугун номзодлар орасидаги ҳақиқий генераллардан бири — Ўзбекистон ССР Граждани мудофаси, бошлигининг ўрибосари — штаб бошлиғи генерал-майор Вилиянин Юнусович Ражибов тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

Генерал-майор уста нотиклардан эмас; фақат бўладиган гапин гапиради. Чунки, у ҳарбий одам. 1965 йили Тошкент олий танк командирлари-билим юртини, 1975 йили ҳарбий академиянинг Бронетанк аскарлари командирлари факультетини тамомлади. Визод командирлигидан корпус командирлигидан партия XXVII съезиде делегат бўлди.


Баъзилар В. Ражибов ўзбек тилида яхши гапира олмайди, деб айбётмоқчи бўладилар. Лекин, ўзбек тилида бўлбодек «сайраб», ўзбек халқига тариқчалик нафи тегмаётган одамлар қамми? Вилиянин Юнусович эса ўз халқини дилдан севади. Бунинг кўрагига уриб, баъзиларнинг миллий эҳтиросларини қўзғотиб себотлашга уринмайди. Савоб, хайрли ишларни бирорларга овоза қилмай амалга оширивради.

— Ўзбек аёлининг, айниқса, қишлоқда яшовчи аёлларнинг машаққатли меҳнати, оғир турмуши ҳақида кўп гапирилди, ёзилди. Бироқ яхшилик томон бурилиш сезилмапти. Колхозчи аёл тўққиз ой эрталабдан кечгача далада бўлади. Уйига келиб, кўп ҳолларда ёзувога ақиб нон епади, қозон қайнатади. Заҳарланган даладар, оғир шарт оёқларни ўтига чикмай ўтин қилиб қўяди.

Хўш, нажот туйнуги қўринадими? Фақат кейинги лойларда раҳбарларимиз томонидан газек олиб кетган муаммоларнинг тилга олинмагани бунга умид туғдиряпти. Касалини тан олиш — журъат. Лекин уни даволаш учун бу камлик қилиши ҳаммага маълум. Шу боисдан депутат ўз халқининг бахтсодати учун астойдил курашиши керак. Сайловчи дастури марказида — инсон, энг аввало аёл, тенгдош дўгонеларим ўй ва ташвишларини туртибди.

Дилфуза ПАРМОНОВА: Ҳамид Олимжон номида колхоз аъзоси, ўрта маълумотли, 1966 йилда туғилган. — Суюлчи шонримиз дёнримизни «Бу бир ўлкаки...» дея эхтирос билан кўйлагилгининг ҳаммамиз биламиз. Минг афсуслани, ана шу жаннат-макон ҳисобланган юртимизда қури-

РЕДАКЦИЯДА: Мана, номсознинг сайловчи фикрлари, мана танишдингиз. Улар ёшлар аёлларнинг турмуш шартларини саларини қўшиш истаги билан яшлар. Биз ҳам ҳокимият органдарни бускор, жамоатчи ёшлар бўлишимиз.



ОХАНГАРОНДАГИ «Стройластмасс» комбинати партия бюроси секретари В. Вакулев мудоамини биллақ, ишонч билан деди: — Шухрат жуда кўп муаммолар тўғрисида ўйлаб юрибди. Бунинг мен унинг номзод этиб кўрсатилгани учунгина айтаётганим йўқ. Аслида ҳам у қайта куриши ишига астойдил бел болаганлардан. Унинг ёмон қўригани — чала қилинган иш. Лоқайдар, ҳайбаракаллачилар ва шунга ўхшаш тоифадагилар билан асло келиша олмайди. Ҳаммамизга таниш бу гапларни шунчаки айтаётганим йўқ. Шухрат аслида ҳам шунчаки. Балки, суҳбатлашганингиздан сўнг ўзингиз ҳам бунга амин бўларсиз...

Шухратни ремонт-механика цехининг улкан корпусида иш устида учратдик. Ёнлаб, жусасидан куч ёғнаб турган бу йиғининг чехрасида кишини ўзга торбэди. Табиатан бошиқлигидан бўлса керак, саволларинини охиригача диққат билан тинглади. Сўнг шовилмасдан ўз қарашларини бирма-бир баён этарди. Гапингиз ростини, унинг ўз ҳамсуҳбатини тинглай олиш одоби, қийинроқ ҳолатларда ҳам ўзини йўқотмай, мулоҳаза юриштиш менга, айниқса, ёқди. Бу бўлгуси депутат учун энг зарур ҳислатлардан бири.

Муаммолар ома дейсизми. — у саволни савол билан мувожаат қилди. — Аслида охангаронлик бўлиш ҳам осон эмас. Шаҳар аҳолиси ўттиз мингга етибдики, ҳамон маданият саройимиз йўқ. Шунга яраша дурустроқ кинотеатримиз бўлса ҳам майли эди. Алмосидан қолган «Восход» кинотеатрини кинотеатр дейишга ҳам тил бормапти. Ақалли бирон спорт иншооти, стадион йўқлиги яна таажубингизни оширади. Билмадим, шунча вақт қаёққа қараганмиз. Мактабларимиз-чи? Масалан, бизнинг оталигимиздаги 5-мактабни олайлик: бечора ўқитувчилар ремонт пайтларда, айтилик, икки уч ки-

ло бўёқ, миҳ каби арзимас нарсалар учун юзларини саргайтириб комбинатимизга келадилар. Аслида ўқитувчи бундай ишлар билан шуғулланмаслиги керак. Бу аҳволда мактаб ислохотининг амалга ошириш учун неча ўн йиллар ҳам етмайдиган қўринадими...

Яқинда комбинат ишчи-хизматчилари Шухратни меҳнат коллектив кенгаши раиси этиб сайладилар. Комбинатда бу кенгаш ҳал этадиган муаммолар жуда кўп. Бундай ўйлаб қаралса, уларнинг ҳаммаси ҳам долзарбдир. Тўғри, Шухрат жамоат топириқларини астойдил бақаршига одалганган. Эндиликда эса турли меҳнат низолари, комбинат ҳаётига оид қўшаб масалаларни нафақат билимдонлик билан, балки адолат билан ҳам ҳал этмоқ керак. Шухрат ўз зиммасидаги бурчи масъулиятини чуқур ҳис этгани ҳолда ўзи бош бўлган кенгаш аъзоларининг ҳам фалонликка даъват этмоқда.

— Пилига комбинатимиз 5—6 миллион сўм соф даромад келтиради, — дейди Шухрат. — Лекин олинган даромадининг асосий қисми давлат ҳисобига ўтади. Масалан, 1989 йилда комбинатимиз ихтиёрида 834 миң сўм қолдирилди. Ахир, катта комбинат учун бу маблағ ҳеч нарса эмасда. Яқинда комбинатимиз ишга тушганининг 25 йиллигини нишонладик. Юбилейлар-ку яхши нарса, лекин энди ҳамма нарсани очиб-ойдин, тўғрисида айтишга ўрганишимиз керак. Корхонамиз дастаҳқорлари шунча йил ичда таъмоман эскириб бўлди. Барча цехларда уларни навабта-навабта алмаштириш зарур. Бунинг учун эса маблағ керак. Агар корхонамизда даромадининг ҳеч бўлмаганда 30—35 фоизи шу мақсадларга ўзатишга қўйилганда эди, жуда кўп ишларни амалга оширган бўлар эдик. Бундан ташқари комбинатимиз шаҳарда кўзга кўринган коллективлардан. Ҳарқалай, шаҳар ободончилиги учун ҳар қанча ишлар қилсак ярашади.

Ҳа, корхона коллективини Шухрат Қурбоновни 70-Охангарон сайло мавзусидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб бекорга кўрсатишганига бу гаплардан сўнг амин бўларсиз. Шухратнинг фикр доираси кенг, гаплари дадил, дунёқарашини баяндайди. Оддий ишчилик туфайли одамлар назарига тушган бундай кишилар депутатликка сайланса, эл ишончини оқлаш учун виждони олдида ўзини ҳаммаси бурчли ҳисоблайди, шунга яраша фаолият кўрсатади.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.



Суратда: комсомолдан кўрсатилган оққўрғонлик вилоят халқ депутатлигига номзодлар Музаффар УСАРОВ, Дилфуза Пармонова, Шоҳида Гойишваларни кўриб туриб Суратчи А. Зуфаров.

дил амалга ошира олмаямиз. СССР халқ депутатлигига сайлов бунинг исботи бўлди. Комсомол ўз сафига ўйнаб миллион ашларни уюштиргани ҳолда мамлакат олий ҳокимиятидаги вакиллари бармоқ билан санари даражада. Бу камчиллардан маълум хулосалар чиқариб олинганлиги жумҳурят халқ депутатлигига ва маҳаллий Советлар депутатлигига комсомолдан аначгина номзодлар кўрсатилганда ҳам биллянапти.

Вилоят Советига номзод сифатидаги дастуринга келсам, унда йигит-қизларнинг орзу — ва ташвишлари ўз фодасини топган. Маълумки, қишлоқда мактаб, боғча, касалхоналар кам. Уларни қуриш масаласи-

ни ҳужжатларда қайд этавели билан бирор нарсага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ноҳияда сазбавот, мева, узум етиштиришни кескин кўпайтириш, уларни шартнома асосида сотишни, бундан тушган маблағни эса социал соҳаларни ривожлантиришга сарфлашни тақдир этаман.

Ҳозир 1—5 синфларда бепул нонушта бериш йўлга қўйилди. Агар оталиқ колхоз ва совхозлар даромаддан маълум қисминини мактаб эҳтиёжлари учун ажратсалар, бепул нонуштадан барча ўқувчилар баҳраманд бўлардилар. «Оққўрғон» совхозни раҳбарлари бунга розилик бердилар. Ешларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам тобора кес-

кинлашмоқда. Шунинг ҳисобга олган ҳолда ноҳияда саноат корхоналарининг филиалларини қуриш мақсадага мувофиқдир.

Тарих ўқитувчиси сифатида ўтимишимизни яхши билиш, тарихий ёдгорликларини авайлаб асраш билан муҳимлигининг алоҳида таъкидламоқчиман. Масалан, ноҳиямизда Эгартеп, Катмонтепа деган тарихий жойлар бор. Улар яхши ўрганилмаган. Мактабимиз ўқувчилари билан тарихимиздаги «оқ доғларни» йўқотишга ҳаракат қилмоқдамиз.

ШОҲИДА ГОЙИШОВА. «Лекин» колхозининг аъзоси, ўрта маълумотли, 1970 йилда туғилган.

ЭЛ ДИЛИГА ЙЎЛ ТОПИШ

ТЕНГДОШЛАРИМИЗ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ

Бошқа жамоат ташкилотлари аъзолари қатори комсомоллар ҳам ўз вакилларини вилоят Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганлар. Улар орасида Оққўрғон ноҳиясидан тўрт нафар ВЛКСМ аъзоси бор. Кунинг неча номзодлар редакциямизда бўлиб, ўзларининг ҳаракат дастурлари билан ўртоқлашдилар.

Музаффар УСАРОВ: 27-мактаб тарих ўқитувчиси, олий маълумотли, 1960 йилда туғилган: — Комсомолдаги аҳволнинг мушкуллигини мактабимиздаги кичкинагина бошланғич ташкилотдан ҳам билса бўлади. У амалда бирор масалани ҳал қила олмаяпти. Бошланғич ташкилотимиз аъзолари мени яна икки йил комсомолда қолтиришни илтимос қилишганда бунга розилик бердим. Чунки уюшмамиз йигит-қизлар манфаатини қатъий ҳимоя қила оладиган ташкилотга айланишига ишонаман.

Тўғрисида айтганда, биз ВЛКСМда қайта куришни да-